ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№7-8 (139-140) | 2000 йил 26 январь, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

Соғлом авлод - келажак устуни

Соғлом, баркамол авлод жамият мулки, жамиятнинг ишончли таянчидир. Юртимизда «Соғлом авлод йили» деб эътироф этилаётган 2000 йил ижтимоий турмушда ўзига хос буюк ўзгаришлар ясашига шубҳа йўқ. Йилимиз давлат идоралари қатори, бир қатор нодавлат жамоат ташкилотларидан тинимсиз меҳнатни, хайрли тадбирлар дастурини ишлаб чиқишни талаб этади.. Ҳар томонлама пишиқ-пухта ишлаб чиқилган дастурлар эса бир йиллик режалар доирасида қолиб кетмасдан, узоқ йиллар изчил давом этишлигини ният қиламиз.

ШУ СОННИНГ

2-САҲИФАСИДА

- *ЖЭК ўн йиллаб бажармаган вазифани қисқа даврда қайси ташкилот амалга ошира олади? «Албатта, маҳалла тузган уй -жой мулкдорлари ширкати», - дейди Баҳодир Алихўжаев.*
- *Ўзбекистонда ташаббускор ва тадбиркор яхши яшайди.*

3-САҲИФАСИДА

- *Фарзандларни урибсўкиш тарбия усули эмас, - эътироф этади ҳуқуқшунос Нозима Камолова.*
- *Қуёнлаб ёки тиш ўрни кемтик бўлиб туғилган, «ўғри тиш»и чиқиб келаётган болаларни ортодонт шифокорга кўрсатиш зарур.*
- *Фозил қори Ёсин ўғли: «Мусулмон бўлмаган қўшнингиз бетобланиб қолса, кириб хабар олишингиз, қарз сўраса беришингиз лозим. Тўй қилса, кириб бирга қувониб, тантаналарида иштирок этасиз».*

4-САҲИФАСИДА

- *Хонанда Озода Назарова мусиқий клипларга қандай қарайди?*
- *Абу Нувос шеърида нима демоқчи эди?*
- *Бахтиёр ғўлдиради-да, кўчага чиқиб кетди. Шомда уч барзанги йигитни бошлаб келди... Охирида эса Бахтиёр пушаймон қилиб узр сўради: «Отган пахтангизга тош отсам-да ҳам кечирдингиз-а. Мен бундай қилолмайман».*
- *«Келинпошша гуруч тўкилмасин!» Тошкентда индонезияча тўй.*

МДҲ: МОСКВА УЧРАШУВИ

МОСКВА. 25 январ (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов эрталаб Россия Федерацияси Президенти вазифасини бажарувчи Владимир Путин билан учрашди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек, МДҲни ислоҳ қилиш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

Шундан сўнг Кремлда МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарларининг ёпиқ мажлиси бўлиб ўтди. Унда РФ Президенти вазифасини бажарувчи В.Путин МДҲ давлат бошлиқлари Кенгаши раиси этиб сайланди. Сўнгра президентлар иштирокида кенгайтирилган мажлис бўлди.

Шу куни МДҲга аъзо мамлакатлар ҳукумат раҳбарларининг мажлиси ҳам бўлди. Унда Украина Бош вазири В.Ющенко МДҲ мамлакатлари ҳукумат бошлиқлари Кенгаши раиси этиб сайланди.

(ЎзА)

ЯНГИ АСРГА ИСЛОМ КАРИМОВ БИЛАН

Маҳалламизда 514 та хонадон бўлиб, уларда 2296 нафар турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Тили ва дини турлича бўлган фуқароларни ягона истак - ҳур ва озод, ривожланган Ўзбекистонни бунёд этиш истаги бирлаштириб туради. Бу эса осонликча бўлмайди.

Шуни ҳисобга олган маҳалладошларимиз барча юмушларни ҳамкор, ҳамфикр, бир ёқадан бош чиқариб ҳал этишга ҳаракат қилишади. Мисол учун, ўтган йили туман ҳокимлигининг яқиндан берган кўмаги ва ҳашар йўли билан маҳалламизда янги гузар барпо этдик. Гузар ҳудуди 100 квадрат метрдан зиёдроқ бўлиб, унда чойхона, косиблик, сартарошлик, тикувчилик устахоналари, тижорат дўконлари жойлашган. Музқаймоқ павильони, фавворали ҳовуз ҳам бор. Гузар ҳудудида жойлашган болалар майдончасида эса доимо болажонларнинг шодон қийчувлари янграб туради.

Гузар бинолари мажмуини миллий меъморчилик талаблари асосида кўркам ва шинам қилиб бунёд этишда тадбиркорлардан О.Отабоев, Л.Ражаповалар катта ҳисса қўшишган бўлса, туман МТП давлат ҳиссадорлик жамияти, туман автойўл қурилиш-таъмирлаш бошқармаси ва қатор қурилиш ташкилотлари ҳам бу юмушдан четда қолишмади.

Ҳозирда ҳам режа асосида маҳалламизда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Мана яқиндагина мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Биз бутун маҳалламиз аҳли билан муҳтарам Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов учун овоз бердик. Чунки, Президентимиз олиб бораётган сиёсат мамлакатда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиши ва халқ турмуш фаровонлигининг янада ошишига тўла кафолатдир.

А.АҲМЕДОВ.
Наманган вилояти, Норин тумани,
Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Кечирим сўрашди, энди-чи?

Диний экстремистик оқимларга қўшилиб қолган ёшларимиз шу қадар тубан кетдиларки, ҳатто ўз ота-оналари танбеҳини қулоққа илмадилар. Аксинча, уларнинг баъзилари қайсарлик қилиб, «ота, сиз адашаяпсиз, тўғри йўлни биздан сўранг» қабилида иш тута бошладилар. Бу сингари саркашлик, қўпол қилиб айтганда бетгачопарликни ислом динида қарийб бир ярим минг йил мустаҳкам турган халқимиз эндигина кўрган бўлса керак.

Сўнгги вақтларда пойтахт шаҳарнинг бир қанча жомеъ масжидларида диний экстремистик оқимларга аралашиб қолган ёшларнинг кенг жамоатчилик олдида тавба-тазарруга келганларига гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳожа Аҳрор Валий жомеъ масжидида жума намози ўқилишидан олдин Шайхонтоҳур туман маҳаллаларидан ташриф буюрган бир қанча йигитлар диний тушунчаларни хато йўллар билан, ғаразли сиёсий манбаалардан олганликларига, бу ғоялар ислом дини таълимотидан бутунлай узоқда эканлигига иқрор бўлиб, гуноҳларини кечиришликни жамоатдан илтимос қилишди. Масдижга ташриф буюрган оталар, оқсоқоллар ҳам «бебош фарзандлари» учун халқимиздан ва юртбошимиздан узр сўрадилар.

Тан олиш керак, жамиятимизда бундай нохуш кучларнинг урчиб кетишида маҳалла фаолларининг ортиқча андишага бориши, қўни-қўшни ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаслик ҳолатлари омил бўлди. Ўйлаб кўрилса, кўнгилбўшлик, лозим топилмаганда кўрсатилган муросалилик хислатлари маҳалла фаолларига, айниқса маҳалла фуқаролар йиғини раисларига умуман ярашмас экан. Сирғали тумани маҳаллаларидан бирига оқсоқол этиб сайланган Саттор ака исмли серғайрат, ташкилотчи маҳалла раисини биламан. Саттор ака ўз маҳалласини шундай кафтига ушлаганки, қайси хонадонда ким, нима билан нафас олаяпти, ёшлар кўпроқ қайси қизиқишлар билан машғул бўлишмоқда - ҳаммасидан хабардор бўлиб туради. Маҳалла ҳудудида бадиий тўгарак, амалий санъат ва компьютер курслари самарали ишлаб тургани туфайли ёш «навниҳоллар»нинг ортиқча ғояларга аралашишлари учун вақти ҳам, иштиёқлари ҳам йўқ.

- Диний экстремистик оқимларга кириб қолишда Шайхонтоҳур, С.Раҳимов, А.Икромов, Чилонзор туман маҳалла фуқаролари кўпчилик, - дейди Тошкент шаҳар «Маҳалла» оқсоқоллар кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг раиси Аъзамжон Гадойбоев. - Ақидапарастлик йўлида адашиб-улоқиб юрганларнинг 8 фоизини аёллар, 42 нафарини ҳали ўн саккиз баҳорни кўрмаган ёшлар ташкил этиши, айниқса, ачинарли ҳолдир. Бундай «ўзимиздан чиққан бало» ўзини ўзи бошқариш идоралари, айниқса, маҳалла оқсоқолларининг мудроқ кайфиятига сергаклик олиб кирди.

Албатта, «Қайсарнинг қуюлиши» осонликча рўй бераётгани йўқ. Эътибор берилса, маҳалла гузарлари, чойхона ва жамоатчилик йиғиладиган масканларда маҳалла раисларининг алоҳида тушунтириш ишлари, ота-оналар билан олиб борган суҳбатлари секин-аста ўз самарасини кўрсатмоқда. Шубҳасиз, бу йўналишда ҳали муттасил тадбирлар ишлаб чиқиш, машаққатли суҳбатлар олиб бориш талаб этилади. Ахир, тарбияга ёшларни жалб этиш осон ишлардан эмас-ку.

Нодир АЛИМОВ.

Ҳожилик - олий неъмат

ШАРАФ ВА МАСЪУЛИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар Кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати Шуҳрат Илҳомович Жалилов билан суҳбат

- Ҳурматли Шуҳрат Илҳомович, мустақил Ўзбекистонимизда виждон эркинлиги, диний ташкилотлар ҳурлигининг чинакам қарор топиши, иймон-эътиқоднинг кафолатланганлиги, барча мусулмонга умрида бир марта бўлса ҳам муқаддас Исломнинг бешинчи аркони Аллоҳ буюрган Ҳаж фарзини эмин-эркин адо этиш имконини берди. Айни вақтда ҳар йили муттасил Президентимиз Ислом Каримов томонидан Ҳажга борувчилар моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқдалар. Бу йил ҳам ўтган йилгидек Юртбошимизнинг махсус қарори билан муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ҳукумат томонидан ёрдам кўрсатиладиган бўлди. Қарорда «Зиёратчилар руйхати фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари орқали кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузилсин», деб уқтириб ўтилди. 1999 йилги тажрибалар ва эътиборга лойиқ сабоқлар борасида, олдинда турган вазифалар ҳақида гапириб берсангиз.

- Бисмиллоҳи Раҳмонир Раҳийм!

Аввало, ушбу оқилона Қарор муқаддас Ҳаж сафарига отланган юртдошларимизни тавсия этиш ҳуқуқини бевосита маҳаллаларга - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши чуқур маънога эгадир. Бўлажак Ҳожиларни шу йўл билан танланиши мустақил Ўзбекистонимизда кучли давлатдан - кучли, адолатли, фуқаролик жамияти сари ўтиш сиёсатининг изчил амалга оширилаётганлигининг яна бир амалий омилидир. Шу билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг обрў-эътибори, уларга бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганлиги ифодасидир. Айни вақтда, кенг халқ оммасининг сиёсий жараёнларни баҳолашда онги ўсганлигини кўрсатувчи далилдир.

(Давоми 2-бетда)



Юрт фаровон, эл тинч. Буни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси эътироф этади.

Р.ШАРИПОВ олган сурат.

Мавсумий хасталиклар: грипп

«Сидней 2000» бизда йўқ

Кейинги пайтларда жаҳон ОАВнинг диққат марказида турган муаммолардан бири «Сидней 2000» деб аталмиш вирус орқали кенг тарқалган грипп хасталигидир.

Шу ўринда биз ҳам ўз мухлисларимизни огоҳ этган ҳолда ушбу хасталикнинг келиб чиқиши ва уни бартараф этиш тўғрисида сўзлаб беришни Давлат Санитария Эпидемиология назорати департаменти бошлиғи тиббиёт фанлари номзоди Нурмат Отабековдан илтимос қилдик:

Аввало бу хасталикнинг хавфли ёки хавфсизлиги ҳақида икки оғиз сўз.

Грипп ўта юқумли касалликлардан бўлиб, уни жуда майда, ҳатто фильтрдан ўтувчи вируслар чақиради. У асосан йўталиш, акса уриш ва бемор билан яқин масофада туриб муомалада бўлиш орқали юқади. Унинг вируси ҳавода 2-3 соатгача яшайди. Одам организмига юққан бу хасталик бурун, томоқ ва юқори нафас олиш йўлларига таъсир қилади. Ниҳоят қон оқимига қўшилиб бутун организмга тарқалади. Одам тез ҳолдан тояди, бурни ачишади, ҳарорати кўтарилади. Ушбу хасталикка дучор бўлган одам дарҳол врачни чақириши лозим. Чунки бу ҳолатда ишга бориш, жамоат транспортларида юриш қатъиян ман қилинади.

Энди яна бир гап, ҳозирги пайтда кўпгина Ғарб давлатларида бу хасталикнинг эпидемик тус олганини кўриб ҳам, эшитиб ҳам турибмиз. Уларда давом этаётган «Сидней 2000» вируси бизда кузатилганича йўқ.

Бизда ҳозир таниш бўлган А ва В турдаги вируслар учрамоқда. Бу хасталикни оёқда ўтказмаслик керак.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ бу хасталикнинг кенг тарқалмаслиги борасида бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалда жорий қилинмоқда. Булардан хасталикка дучор бўлган фуқароларни ўз уйларида даволашни ташкил қилиш; ОАВ орқали кўрсатув ва эшиттиришлар, ҳар бир вилоятлардан кундалик аҳволлар кузатилиб, юқори мутахассис шифокорлар ёрдамида маслаҳатлар бериб бориш йўлга қўйилмоқда. Бундан ташқари дорихоналарда махсус бурчаклар ташкил қилиниб, у ерда гриппга қарши дорилардан намуналар қўйилган.

Бу хасталикнинг олди олинса, унинг ўтиб кетиши шунчалик тезлашади. Шунинг учун организмни гриппга қарши курашиш қобилиятини ошириш мақсадида витимингга бой овқатларни истеъмол қилиш лозим.

Мулоҳаза баҳсга чорлайди

«Ўнг қўлинг берганини, чап қўлинг билмасин»

Телевидение, радио ва ахборот воситалари охирги йилларда саховатпешаликни, ҳокимият идоралари ёки тадбиркорларнинг хайрли-савобли амалларини кўз-кўз қиладиган бўлиб қолишди. Саховат яхши, уни тарғиб қилиш лозимлигини ҳам тўғри тушунамиз. Лекин ҳали унчалик оммавий тус олиб улгурмаган бундай тадбирларни ошириб-тошириб мақтайвериш, айниқса хайр-эҳсон олган камтаъминланган, боқувчисиз ёки етим болаларни ҳадеб кўрсатавериш уларнинг руҳий-психологик ҳолатиларига таъсир этиб қолмасмикан?

Арнасойда яшовчи укамнинг хонадонида меҳмон бўлганимда қўшни амакилардан бири ҳам шу гапни ўртага ташлаб қолди.

- Маҳалла фуқаролар йиғинимизнинг раиси ҳамманинг кўз олдида ўғлимни даврага чақириб олиб, «камтаъминланган оиланинг фарзандига совға» дея эълон қилибди. Ўғлим ёш бола эмасми, совға-саломни уйга хурсанд бўлиб кўтариб келди. Мен унга совғани қайтариб бер, дейишимни ҳам, бирор нарса деб табриклашимни ҳам билмай қолдим.

Бу кишининг мулоҳазаларида жон бордай туюлади...

Уммат МАМАДИЁРОВ.
Навоий вилояти.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят манзили: Тошкент, Навоий кўчаси, 18 «А»-уй ва Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 622, 635-хоналар.

Хатлар учун: 700011, Тошкент-11, а/қ 7168

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-57-62, масъул котиб 144-34-24 ижодий бўлимлар— 144-23-90,

Қабулхона — 144-23-34. 133-39-89.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

ШАРАФ ВА МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Чиндан ҳам маҳаллалар кўпгина ижтимоий масалаларни ҳал этишга қодир бирламчи халқчил бошқарув тизимидир, халқ донишмандлиги масканидир. Маҳалла ҳар доим ҳам бир оила, ҳар бир шахс билан имконият даражасида холисона, адолатли иш олиб борган, баҳоланган ва ҳамиша бунинг учун салоҳиятга эга бўлиб келган. Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидек: «Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Шу маънода , унинг мавқеини кўтариш - нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки улкан тарбиявий ва маънавий масаладир. Биз маҳалла тизимига шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим».

Зеро, шу дамларгача, зиёрат сарҳадларида ҳар жиҳатдан қодирлигини намоён этган, ният ва илтижо бобида бийрон бўлган кишиларнинг ҳаммаси ҳам ҳар қанча ҳаракат қилмасин Аллоҳ даъват этмаса, насибаси қўшилмаса, устига-уст жамоатчилик назаридан четда турган айрим мутасаддиларнинг, таъмагир, товламачи кимсаларнинг монеълигидан ўтолмаса ҳаж сафарига чиқолмасди. Сир эмас, баъзи бесабр шахслар, муқаддас муродларига тезроқ етмоқлик учун қонунсиз йўлларни қидириб қолишар, кимларнингдир ғаройиб усулларига учиб адашиб қолардилар.

Зиёратчилар рўйхати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари - маҳаллалардан бошланиб, туман, шаҳар, вилоят орқали кенг жамоатчилик фикри эътиборга олинган ҳолда тузилмоқда.

Ҳаёт табиийки, бирдай текис, равон кечмайди. Инсон умри давомида хоҳ якка ҳолда бўлсин, хоҳ жамоа орасида яшасин қийинчиликларга, мушкул вазият, воқеаларга, турли фалокатларга, касалликларга дуч келади. Саноқли умридаги бесаноқ орзу-ниятлари ҳадеб амалга ошавермайди ҳам. Шундай вақтда вазмин бўлиш, ақл-идрок билан иш тутиш насиҳат қилинади. Қаҳр-ғазабни жиловлаш, тилни тийиш, ўта қўрқоқ бўлмаслик, нафсга ҳоким, шижоатли бўлиш ҳаж йўлидаги инсонга муносиб фазилатлардир. Шу ерда мустақиллик йилларигача динга бўлган кулфатли муносабатни, Ҳажга бориш у ёқда турсин, оддий диний арконларни бажариш ҳам жиноят саналганлигини унутмасликни эслатиб, ҳозирги кунда минг-минглаб замондошларимиз мусулмончиликнинг бешинчи фарзини ҳалол, қонуний йўллар билан адо этиб, Ҳожилик шарафига муяссар бўлиб келаётганларини айтиб, агар бироз сабр қилиш лозим бўлса чидаш, қуюшқондан чиқмасликни, сабр фойдали эканлигини айтардим.

Яқинда ўтган йили Ҳожи бўлиб қайтган Тошкентнинг «Қоратош» маҳалласида яшовчи оқсоқол Рауф ота Мавлонов билан суҳбатлашиб қолдим.

- Ҳожиларнинг тавсиясини маҳаллаларга бериб, жуда тўғри йўл танланди. Ким ўйлаган бўлса ҳам, барака топсин. Уч-тўрт йилдан бери у ташкилот, бу суҳбат... деб сарсон бўлиб, муродимга етолмай, армонда юрардим. Инон-ихтиёр маҳаллага берилдию Аллоҳ йўлимни очди. Маҳалладошларим, бир оддий ишчи, ҳалол меҳнати эвазига пенсияга чиқиб, дам олиб юрган мусулмон, деб мени танлашди.

Бу сўзларни эшитиб, ҳукуматимиз, Президентимиз ўй-фикрлари, интилишлари, мақсадлари халқимиз иродаси билан муштараклигига яна бир бор имоним комил бўлди.

- Барака топинг. Улуғ ибодатга отланган юртдошларимизга истакларингиз?

- Меҳнат, илм-ҳунар ва имтиҳон дунёсини ҳамда қилмишларига яраша жазо ёки мукофот бериладиган охиратдаги абадий ҳаётини ўйлаб, яратувчининг розилигини истаб, унинг буюрганларига амал қилиб, икки дунё саодати учун яшаган софдил, хайрихоҳ комил кишилар жаннат умидида Ҳажга отланар эканлар, чин кўнгилдан муродларига етсинлар, дейман.

Ҳожилар ўзлари мансуб бўлган жамоат, жамият ва башариятнинг энг шарафли, энг фойдали бир аъзоси сифатида яшамоқликлари асл муддаомиздир.

Суҳбатдош:
Расул ҳожи РАҲМОНОВ.

Дунёдан дараклар

ЖОСУСЛИКДА АЙБЛАНИБ

Польша ҳукумати расмий вакилларининг билдиришига кўра, Польша томони польшалик дипломатларнинг Москвадан чиқариб юборилишига тайёргарлик кўряпти. Варшава яқинда тўққиз нафар россиялик дипломатни жосусликда айблаб, Польшадан чиқариб юборишга қарор қилганди. Польша Ташқи ишлар вазирлигининг расмий баёнотида мамлакатдан чиқариб юборилаётганларнинг исми-шарифи ва лавозими кўрсатилмаган. Баёнотда уларга қарши қўйилаётган айбларни далилловчи асослар ҳам қайд этилмаган. Россия Ташқи ишлар вазирлиги Польша маъмуриятининг қарорини қораловчи баёнот билан чиқди. Польшани тарк этишлари учун россиялик дипломатларга бир ҳафта муддат берилди.

ТЕЛЕКАНАЛ СОТИЛДИ

Болгария ҳукумати иккита миллий телеканалдан бирининг лицензиясини ахборот корчалони Руперт Мэрдокка бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Ассошиейтд Пресснинг Софиядаги мухбири хабарига кўра, Мэрдок томонидан маблағ билан таъминланадиган «Балкан Нюс» компанияси «Эфир-2» давлат телеканалини 15 йил давомида тасарруф қилиш ҳуқуқини берадиган лицензияни қўлга киритди. Мэрдок мазкур лицензияни 110 минг долларга сотиб олди. Бундан ташқари, корчалон частотадан фойдаланиш учун ҳар йили Болгария хазинасига 770 минг доллар тўлайди. Шу жами даромаднинг 30 фоизи ҳам Болгарияники ҳисобланади.

МАГАТЭ ВАКИЛЛАРИ ИРОҚДА

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) инспекторлар гуруҳи Ироқ уран заҳиралари қандай сақланаётганини текшириш учун Бағдодга келадиган бўлишди. Бу Бағдод 1998 йилда БМТ ҳарбий инспекторлари билан ҳамкорликни тўхтатгандан кейинги дастлабки текширув гуруҳи ҳисобланади. Текширувлар бир ҳафта давом этиши кўзда тутиляпти. МАГАТЭ вакили Дэвид Кид мазкур миссиянинг Бағдод ҳозиргача рад этаётган БМТ текширув дастурига алоқаси йўқ, деб қайд этди.

ЖИНОЯТЧИЛАР ҲИБСГА ОЛИНДИ

Вьетнам суди ёш болаларни хорижга ноқонуний равишда олиб кетишда алоқадорликда айблаб тўққиз кишининг ҳар бирини 20 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилди. Суд вакилининг эътироф этишича, ҳукм қилинганлар икки йил мобайнида Вьетнамдан 200 нафар болани олиб кетишган. Жиноятчилар орасида шифокор, етимхона ходими ва янги туғилган чақалоқларни рўйхатга олиш бўлими ходимлари бўлган. Сотилган болалар учун жиноий гуруҳ 100 минг доллардан кўпроқ пул олишган. Мухбирларнинг хабар беришича, кейинги пайтларда Вьетнамда болалар савдоси кўпайган. Ёш болалар асосан европалик ҳамда австралияликларга сотилмоқда.

«Туркистон-пресс»

Нодир АЛИМОВ, «Mahalla» мухбири.

Маҳалла сарҳади

ЖЭКдан олинган ваколат ўзини оқлади

ЖЭК - жилищно эксплуатационная комиссия, деб аталувчи идора азалдан кўп қаватли уйда яшовчилар иштирокидаги жанжалнинг уяси ҳисобланган.

Жамиятимиз ўзгариб бораётган ҳозирги вақтда ўзини ўзи бошқариш идоралари, хусусан, маҳалла йиғинларига беқиёс имкониятлар берилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 ноябрда чиқарган 461-қарори жамиятга эркинлаштириш сари яна бир қадам бўлди. «Умумий бошпана» остида истиқомат қилувчи аҳоли дарду ҳасратини кўтариб аллақайси идора, ҳокимият ёки бошқа вазирликларга эмас... ўз-ўзича - ўзини ўзи бошқариш идораларига «ариза билан чиқадиган» бўлди.

Пойтахтнинг С.Раҳимов тумани, «Ғалаба» маҳалласи фуқаролари том таъмири, қувурлар бутунлиги у ёқда турсин, уйлар орасининг тозалигини ҳам орзу қилиб яшашарди. Ваҳоланки, бундай қулай, сифатли турмуш учун улар ҳар ойда белгиланган ҳақни тўлаб боришар, гапнинг индаллоси, уларнинг рисоладагидек ҳаёт кечиришларига тўлақонли ҳақлари бор эди.

— 1999 йилнинг март ойларида туман ҳокимиятида бўлиб ўтган мажлис маҳалла оқсоқоллари йиғини фаолиятига янги қанот бағишлагандек бўлди, - дейди «Ғалаба» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Алихўжаев. - Шундан кейин биз ЖЭК тасарруфидан чиқиб, ўзимизнинг маҳалла уй-жой мулкдорлари ширкатини тузишга киришдик.

Ўқувчига аён бўлгандир, туман ҳокимиятида бўлиб ўтган юқоридаги мажлисда гап айнан Вазирлар Маҳкамасининг 461-сонли қарорини ҳаётга татбиқ этиш ҳақида борган. Маҳалла оқсоқоли Б.Алихўжаев бу ғояни маҳалладошларига етказганида, дастлаб кўпчилик ишонқи-рамади. «Қандай бўларкин?» «Маҳалла мулки ўз тасарруфимизга ўтса бошқара олармикинмиз?» «Шунча маблағ ЖЭК қўлида туравергани маъқулмасми?» деб ҳадиксираганлар бўлди. Маҳалла раиси ҳар қандай шубҳа-гумонларни аниқ факт ва рақамлар билан тарқатишга эришгач, аҳоли розилигини билдиради. Шундан сўнг С.Раҳимов туман ҳокимлигининг 1999 йил 23 июлдаги қарори билан «Ғалаба» маҳалла фуқаролар йиғинининг Қорақамиш 2/4 мавзесидаги 27 та уй-маҳалла тасарруфига ўтказиб берилади. Шу билан коммунал хизмат кўрсатиш вазифаси ҳам маҳалла масъулиятига ўтказилди. Мулкчиликнинг яна бир шакли кўз очади. «Ғалаба» маҳалласи уй-жой мулкдорлари ширкати иш бошлади.

Август ойидан шу йилнинг 1 январига қадар ширкат томонидан жами 4192 нафар яшовчидан 8.332711 сўмлик уй тўлови йиғиб олинади. Тўловларнинг фоиз ҳисобида ойма-ой ошиб борганлиги кишини айниқса ажаблантиради, ҳам қувонтиради. Масалан, уй-жойлар маҳалла тасарруфига ўтказилган дастлабки август ойида тўлов маблағлари 60,2 фоизга йиғилган бўлса, сентябрда 72,5 фоиз, октябр ойида 83,2 фоизга ошди. Декабрь ойи якунларига кўра эса уй тўловларини тўлаш 108,1 фоиз чегарасига етди. Бундай ўсиш тамойилининг сабаби эса кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг ўз маблағлари аллақандай бўшлиқ - қоронғуликка эмас, аниқ мақсадлар учун сарфланаётганига ишонч ҳосил қилганликлари бўлди.

Қолаверса, бу маблағлар маҳалла аҳлининг назоратида туради. Яна рақамларга мурожаат этамиз. Шу беш ойлик муддат ичида ташкилот ва муассасаларга 4.113256 сўм, ёрдамчи материаллар ва жиҳозларга 1.450415 сўм, жорий таъмирлаш ишларига 3.775310 сўм, шунингдек ишчи ва чилангарларнинг ойлик иш ҳақига 1.343581 сўм сарфланди. Дарвоқе, бу қандай ишчилар дерсиз? Гап шундаки, маҳалла уй-жой мулкдорлари ширкатини ташкил этишда Б.Алихўжаев бош муҳандис, уста, 8 нафар фаррош, 6 нафар чилангар, 2 нафар ҳисобчиларни ишга олади. Қизиғи шундаки, бу ишчилар гуруҳининг деярли ҳаммаси айнан «Ғалаба» маҳалласининг яшовчиларидир. «Ходим танлаётганда ЖЭКлардан ҳам мутахассис олдингизми?» деб сўраган эдик, Б.Алихўжаев кескин қилиб «Йўқ, олганим йўқ. Улар сансалор иш услубига ўрганиб қолишган, бизда эса бошқача меҳнат қилиш керак» деб жавоб берди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раисининг «Жилищно эксплуатационная комиссия» вакилларидан ўпкалаганича бор. Чунки қисқа беш ойлик давр мобайнида уларнинг ширкати озмунча ишни амалга оширмадими? 8 та уйнинг ертўла қувурлари бутунлай янгиланди. 18 та уйнинг томлари қисман таъмирдан чиқарилди. Ишламаганидан «музқотган» 9 та уйнинг иситиш қувурларига «жон кирди» - исита бошлади. 10 та уйнинг подъездига ойна қўйилди, 6 та подъезд эшиклари таъмирдан чиқарилди. Ахир, шу ишлар йиллар давомида амалга оширилганида яшовчиларнинг дарди ҳасрати кўпаймаган бўларди-ку! Муҳими - бундай сифатли турмуш учун улар ҳар ойда ҳақ тўлаб келишган. «Ғалаба» маҳалласида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларини кўриб, шу атрофдаги яна учта уй эгалари ЖЭК тасарруфидан чиқишни ихтиёр этишди. Албатта, маҳалла тасарруфидаги Ширкатда уй тўловларини тўлаб бориш мажбурий шарт эканлигини билишса-да, унга қўшилиш учун ҳеч иккиланишгани йўқ.

Бугунги кунда «Ғалаба», «Обод» ҳамда «Табассум» маҳаллаларига йўлингиз тушса, кўчаларнинг тозалигидан кўзингиз қамашади. Ертўлаларда сув тўпланмаслиги боисидан улар куп-курук. Чивин, пашша, каламуш деган зараркунандалар бу мавзеларда кун кўролмайди. Ана шунинг учун бўлса керак, Ширкат туман санитар-эпидемиология станциялари билан ҳам анчамунча маблағни иқтисод қилишга эришаяпти. Зеро, бу маблағ маҳалла аҳлининг назоратида турибди-да...

Туҳфа

ЧАҚАЛОҚҚА «ТИКО»

Соғлом авлод йили деб номланган 2000 йил Наманган вилоятига ўзгача файз ва барака билан кириб келди

Шу куни фарзандлик бўлган оилалар учун эса бу айём қўшалоқ байрамга айланиб кетди.

Янги йилнинг биринчи дақиқаларида дунёга келган Наманган туманининг Хонобод маҳалласида яшовчи Соҳиба Сотиболдиеванинг қизи шу куни вилоятда туғилган биринчи чақалоқ деб топилиб, кичкинтойнинг ота-онасига вилоят ҳокимлиги томонидан «Тико» автомашинаси совға қилинди.

Чуст туманининг «Сабзазор» ва Косонсой туманининг «Дилшод» маҳаллаларида туғилган жажжиларнинг ота-оналарига эса рангли телевизор ва видеомагнитафонлар тақдим этилди.

Вилоятда шу куни туғилган 115 нафар чақалоқлар учун эса шахсий ҳисоб рақами очилиб, ҳар бирларининг омонат дафтарчаларига 3 минг сўмдан пул қўйилди.

Илҳом ЖУМАНАЗАРОВ,
«Mahalla» мухбири

Мана сизга «билимдонлик!»

«АҚШнинг жанубий қўшниси Никарагуа бўлса керак», «Мексика менимча Панамада жойлашган», «Африка шимолдаёв»...

Мичиган штатининг сенатори Билл Бэдли Хартфорддаги ўрта мактабдан сал қолса эси оғиб чиқай деди. Мактаб ўқувчиларининг деярли ярми контур картадан Африкани қўяверингку, мамлакатларининг қайси эканлигини топиб беришолмади. Бу, албатта, ачинарли. Яхшиямки, сенатор Шимолий Каролина университетига таширф буюрмади. Чунки у ердаги талабаларнинг 35 фоизи АҚШнинг Мексика билан чегарадош эканлигини билишмайди. Америкодаги энг йирик ва энг кичкина штатни айтиб беришни бўлғуси дипломли мутахассислардан сўрашганда, уларнинг 80 фоизи боши берк кўчага кириб қолишган.

Антиқа «мактаб»

Сеньган (Хитой) полицияси профессионал ғирромлар тайёрлайдиган яширин мактабни фош этди.

Бу «ўқув юрти»га киришни хоҳловчилар «иш стажи» энг ками беш йил бўлган учта «мутахассис»дан тавсиянома олган бўлиши шарт.

Бу «мактаб»да ўқиш муддати бир ярим йил бўлган. Ўқувчилар қарта ўйинининг 28 туридан иборат бўлган «Махсус курс»дан ташқари каратэ, дзюдо ва сузишни ҳам ўрганганлар. Бундай «учирмалар»нинг дипломлари бўлмаса ҳам алоҳида доираларда зўр ҳурматга эга бўлганлар.

Ғалати касб

Сеул метросида янги касб жорий этилган.

Бу вазифани бажариш учун диплом талаб қилинмайди.

Ушбу касб бўйича ишга қабул қилинганларнинг вазифаси шундан иборатки, улар бекатдаги одамларни тўлиб кетган вагонларга итариб киргизишади ва вагон эшикларининг тезроқ ёпилишига кўмаклашади. Шу йўсин поездларнинг ўз маромида қатнашига имконият яратишади.

Ҳозирча бу ишга 132 талаба жалб қилинган. Улар 20 дан ортиқ тиқилинч бекатларда иш олиб боришади.

Бекорчилар клуби

Сўнгги вақтларда ГФРда янги-янги клублар ташкил этилмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, мамлакатда уларнинг сони икки мингдан ошиб кетди. Баланд бўйлилар, узун оёқлилар, ҳатто энди бекорчилар клуби ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бекорчилар клуби аъзолари йилига албатта, уч ҳафта ишсиз бўлишлари шарт.

Галстукли футболчилар

Майдонга галстук тақиб тушган футболчини ҳеч кўрганмисиз?

Ирландиядаги «Портланд роверч» клуби ўйинчилари майдонга албатта галстук тақиб чиқишади. Маълум бўлишича, бир бойвачча ишқибоз: «Агар майдонга галстук тақиб тушсанглар, бутун бойлигимни коман-дангизга қолдираман» деб васият қилган экан.

Олим БЕГАЛИЕВ тайёрлади.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

Сессиядан кейинги ўйлар

ЎЗБЕКИСТОНДА КИМ ЯХШИ ЯШАЙДИ?

«Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин!» дедилар Президентимиз кечаги нутқларида. Мен шу сўзларни тинглаётиб, даштдаги қаровсиз ерни созлаб, экин ундириб, 3 миллион сўм даромад қилгач, Асакадаги яп-янги «Дамас»ни шамолдай елдириб келган оддий қишлоқ йигити хаёлимдан ўтди...

Ташаббус нима? У жасоратнинг инъикоси. Кўнглида жасорат туйғуси бўлмаган киши ташаббус ҳам кўрсатолмайди. Ўзимиздаги жасоратни тарбиялашимиз керак бу кун. Шундагина ҳаётимизда изланишу ижод, ишимизда самара, рўзғоримизда барака бўлади. Шундагина интилганимиз - яхши яшаш йўлидан борамиз.

Бугун кишиларимиз орасида кимлар яхши яшайди? Кимнинг хонадони тўқ ва фаровон? Қайси фарзандларнинг келажаги порлоқ? Ҳаётимизда кечаги қолиплар бу кун бизга торлик қилади. Дунёқарашимиз кенгаймоқда, фикрларимиз теранлашмоқда, қалбларимизда ишонч туйғуси барқарорлашмоқда. Кимки ташаббускор ва тадбиркор бўлса, астойдил тер тўкиб, ҳалол ишласа, ўша бугун давлатманд бўлиб бормоқда. Биз агар истасак, хонадонимизга тўкинлик ва тинчлик олиб киришга қодирмиз. Истамасак-чи? У ҳолда ночоргина, кўл учида кун кечираверамиз. Муҳими, шу икки йўлдан қай бирини танлаш ўз ихтиёримизда. Истиқлолнинг илк маҳсули ҳам бизга танлаш имкониятини берганлигидир, ўз-ўзимизни уйғотишга даъват этди. Ёнатрофимизга қараб, сергак тортдик. Яхши яшамоқ йўлларини қидира бошладик.

Бир пайтлар ёмон баҳо олиб ўқиётган қишлоқлик болага ота-онаси «Ўғлим, вақт борида ўқишингни тузат, ёки колхозда қолиб кетмон чопмоқчимисан?» дерди. Ўша кезлар мактабни битириб қишлоқда қолиш, далага чиқиб кетмон чопиш энг «қора иш» саналарди. Шунинг учун ҳам кўпгина ўсмирлар қишлоқда қолишдан ор қилиб, тезроқ бирор ўқишга жойлашиш пайида бўлардилар. Умуман, кечаги кунларни ҳадеб эслайверишнинг балки ҳожати йўқдир. Лекин бугунги кунларимизнинг афзалликларини тўла ҳис этмоқ учун ўтган кунларга бир карра назар ташлаш лозим. Эндиликда далага чиқиб кетмон чопиш хазина бағрини очиш, бойбадавлат яшаш, аниқроғи ўз бахти сари бориш билан баробар. Бу ҳақиқатни ҳар бир қишлоқлик яхши тушунади. «Бой-бадавлат оилалар қанчалик кўп бўлса, жамият ҳам, мамлакат ҳам шунчалик бадавлат бўлади» дедилар Президентимиз сессиядаги нутқларида.

Ҳар нарсанинг моҳияти таққослашда кўринади. Қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутни йўқотиш бир вақтлар масъул идораларнинг режаларига киритилган, айрим уринишларни ҳисобга олмаганда бу режалар қоғоздагина қолиб кетганди. Бу сўлим масканларни қишлоқларнинг ўзлари обод қилишмоқда. Очиқроқ айтганда, бой-бадавлат хонадонлар кўпайгани сайин қишлоқ ҳам тобора гўзаллашаётир. Бундан бир неча йил муқаддам Жомбойнинг Саричашма қишлоғида «Ўзбекистон-Туркия» қўшма корхонаси иш бошлаган ва шундан сўнг ён-атрофдаги қишлоқлар ёшларини ўйлатиб турган ишсизлик муаммоси барҳам топган эди. Шу каби мисолларнинг ўзи ҳам кишиларимиз феълига ташаббускорлик ва ташкилотчилик ҳислатларининг тобора сингиб бораётганидан далолатдир. Жойларда қўшма корхоналарни янада кўпайтириш ишига жиддий эътибор зарурлигини муҳтарам Юртбошимиз сессия минбаридан туриб алоҳида таъкидладилар.

Биз нима учун яшаяпмиз? Нима учун меҳнат қилаяпмиз? Шунчаки тирикчилик эмас, албатта. Фақатгина ўз манфаатини кўзлаб яшаш бугунги давр кишисига хос фазилат эмас. Ўз ақл-шууримиз, ташаббус ва жасоратимиз, ғайрату салоҳиятимиз билан нафақат оиламизга, балки маҳалламиз, қишлоғимиз, юртимизнинг тинчлиги, фаровонлигига ҳам ҳисса қўшишимиз керак. Зеро «эл-юрт учун куюниб, эл-юрт учун фойда келтириб яшайлик» дедилар Президентимиз.

Маҳалланинг ҳамкори «Mahalla»

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил сиёсат, ислоҳотларнинг амалга тадбиқ этилишида матбуотнинг ўрни беқиёс. Тўғри, кейинги пайтларда одамлар газета-журналлар ўқимай қўйишди, деган гап-сўзларни илгари суришга ҳаракат қилаётганлар ҳам бор. Аммо мен бу фикрларни мутлоқ тўғри фикр деб ўйламайман.

Маълумки, ҳар бир соҳа ўз нашрларини чиқармоқда. Олайлик бизнинг маҳаллаларимизнинг ҳамкори «Mahalla» газетаси бўлмоқда. Биз бу газетадан воз кеча олмаймиз. Биз ушбу масалага жиддий ёндашдик. Яъни ташвиқот ишлари олиб бориб мавжуд 23 та маҳаллада одамларнинг ўз ихтиёри билан 87 нусхада «Mahalla» газетасига йиллик обуна бўлишга эришдик. Тўғрида, соҳамизга оид ранг-баранг мақолалар, расмий ҳужжатлар ва давлат сиёсатига доир қарорлар, фармонлар барча-барчаси газетада бериб борилаётир. Шундай экан, аччиқ бўлса-да очиғини айтаман «Mahalla» газетасига обуна бўлишни маблағ йўқлиги сабаб дея пайсалга солаётган маҳалла оқсоқолларини оқлай олмаймиз. Чунки «Mahalla» газетаси маҳалланинг юзи эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Орол ПОЛВОНОВ,
Нуробод туман оқсоқоллар ишини мувофиқлаштирувчи Кенгаш раиси.



Муштарий

Р. ШАРИПОВ олган сурат.

Спортчи оқсоқол

Унинг одати шунақа: азонлаб уйғонади, юз-қўлларини чайиб дарвозани очади.

Шуурида болалигидан муҳрланиб қолган манзара Шоҳи-Зинда мақбараси равоқлари, етти рангда жилваланаётган сеҳрли гумбазлар, асрлар бўйи шамол сийпаётган ғиштин хилхоналар, шайхнинг оқ яктакда ғоҳ ўттиз етти ғоҳ ўттиз саккиз сирли зиналардан чопқиллаб юқорига кўтарилаётгани... бари-бариси унга таниш. Кўнгилда йиллар ўтган сайин бу тилсимот, бу сеҳр ва одамлар туну кун оёғи аримайдиган муқаддас жойга бўлган эътиқодни мустаҳкамлайверяркан. Мамажон ака дарвозанинг ўнг қанотини қия қилиб очаркан, шу лаҳзада бутун борлиғини унутгандек бўлиб, хаёлга чўмади. Дарвозадан бир қадам босар-босмай салгина энгашиб улуғлар руҳига салом беради, юзига фотиҳа тортади. Сўнг, сўнг эса, шу хонадонда саксон йилдан ортиқроқ умр кўрган, уни машҳур спортчи бўлиб вояга етказган отаси, халқ полвони Аҳмад бобонинг қабрига қараб омин қилади. Отанинг тупроғи, ҳоки қўйилган жой дарвозадан тўппа-тўғри кўриниб туради. Аждодлар руҳи олдида яна таъзим қилади.

Мамажон ака қадриятлари тикланаётган, маънавияти юксалаётган халқнинг вакили. Ўзи ўсиб улғайган, вояга етган азиз гўша - хонадонини улуғлайди, туй-маъракаю машваратда доимо хаёлан ёнида бўладиган отасининг ҳаётлигидаги биродарларини, қадрдонларини эъзозлайди. Отанинг полвон шогирдлари Қашқаю Сурхон воҳаларидан йўқлаб келиб турадилар. Хонадон билан йиллар давомида боғланган ришталар узилгани йўқ.

Мамажон Аҳмедов бир пайтлари оғир атлетика бўйича чемпион бўлган. Ўзбекистон шуҳратини мамлакатлар оша ёйишда унинг ҳам ҳиссаси бор. Сиёбдаги анчайин номдор, кўхна Оби-Машат маҳалласининг оқсоқоли Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер, оғир атлетика бўйича халқаро ҳакам, кураш бўйича спорт устаси, кураш бўйича республика тоифасидаги ҳакам.

Оила жамиятнинг устуни, фарзандлар ана шу иссиқ гўшада камол топади, тарбияланади. Ҳатто, энг машҳур кишилар ҳам оиласига келиб дам олади, ҳеч қаерда кўрмаган иззатга мушарраф бўлади. Мамажон аканинг оиласи самарқандликлар ҳавас қилса арзийдиган оилаларнинг бири, турмуш ўртоғи Робия опа билан уч ўғилни тарбиялашаётир. Ота маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлса, маҳалла-кўй Робия опани котиба этиб сайлашган.

Яратган эгам ҳар бир мўмин бандасига ўзи фазилат ато этади. Уни яқинда Самарқанд шаҳар Кенгашига депутат этиб сайладилар. Тан олиш керак, Мамажон Аҳмедов бағри кенг, саховатли, мурувватли инсон. Ўн йиллар ўз ҳовлисида маҳалла болалари учун спорт мажмуаси очиб қўйди, юзлаб ўсмирлар, қизлар енгил атлетика, кураш, оғир атлетика ва шахмат-шашка бўйича шуғулланишиб, эътибор қозондилар.

Шахмат бўйича 18 ёшли Жаҳон чемпиони Иброҳим Ҳамрақулов, унинг укаси Жўрабек ва Шахнозарлар Мамажон ака спорт мактаби қалдирғочлари. Янги йил арафасида эса Президентимиз самарқандлик сайловчилар билан учрашув чоғида улар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Убай ҚОДИР,
журналист.

Ҳуқуқ ва бурч чегараси

Ота оилада мутлоқ ҳокимми?

Одатда, Шарқда эркакни оиланинг хўжайини дейишга кўникма ҳосил қилинган. Ҳа, у хўжайин, лекин бисёр ҳоким эмас. Сўнгги йилларда бутун дунёда болалар ва бошқа оила аъзоларининг «сохта ҳоким»лар зўравонлигига дуч келиши катта муаммога айланиб бормоқда. Бизнинг оила ва маҳаллаларимиздаги аҳвол ҳақида мухтасар маълумот олиш учун Аёллар ҳуқуқи ва фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий маслаҳатхона бошлиғи, ҳуқуқшунос Нозима КАМОЛОВА билан суҳбатлашдик.

- Нозимахон, тасаввур қилайлик, ўз фарзандини яхши йўлга бошлаб, тарбия қилишнинг усули сифатида бир ота доимо қўл кучидан фойдаланади. Бу ишга унинг ҳуқуқи борми?

- Мутлақо йўқ. Ачинарли томони шундаки, одатда ўз ҳуқуқини талаб қилиб фарзандлар бизнинг идорамизга бош уриб келмайдилар. Лекин 1998-1999 йилдаги фаолиятимиз давомида ҳуқуқий маслаҳатхонамизга 2,5 мингдан ортиқ аҳоли мурожаат этган бўлса, уларнинг кўп қисми оилавий зўравонликка учраган аёллар эканлиги аён бўлди. Ваҳоланки, Конституциямизнинг 26-моддасида **«Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас»**, деб битиб қўйилган. Шунингдек, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқли эканликлари ҳам Асосий қонунимизнинг 46-моддаси билан мустаҳкамлаб қўйилган. Қолаверса, бу ҳуқуқий меъёрлар Оила кодекси, Жиноят кодексларида батафсил берилган. Лекин қонунни ҳурмат қилмаслик, ҳуқуқ ва бурч деган меъёрларни бузишлик кўп ҳолларда ана шундай зўравонликларга, оилавий хўрлашларга сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, оила аъзолари - хоҳ хотин, хоҳ фарзанд, хоҳ ота-она бўлсин, улар бир кишининг, таъбир жоиз бўлса, кучга тўлган зўравон эркакнинг мулки эмас, балки мустақил, эркин фуқаролардир. Лўнда қилиб айтганда улар ҳам одам.

- Сиз ўқиш ва ишингиз юзасидан жуда кўп хорижий давлатларда сафарда бўлгансиз. Оиладаги зўравонлик муаммоси қайси мамлакатларда бетиним учраб туради ва уларнинг бунга қарши кураш йўллари қандай?

- Оилавий зўравонлик, эр кишининг ўзини ўзи «якка ҳоким» деб эълон қилиши Покистон, Ҳиндистон, Эрон давлатларида кўпроқ учрайди.Бундай «ҳокимият» АҚШда ҳам бундан 30 йиллар муқаддам ҳукм сурган. Ҳозир АҚШда оиладаги зўравонлик қурбони бўлганларнинг деярли бирортаси маҳаллий аҳолидан эмас, балки кейинчалик океанорти мамлакатига кўчиб ўтган Вьетнам, тайбелик муҳожирлар оиласидандир. Уларда бундай зўравонликка қарши курашнинг бирдан-бир самарали йўли-хайрихоҳ қўшнининг ҳуқуқ-тартибот идорасига бир оғиз кўнғироқ қилиши билан хотима топади. Вашингтон штатида яшовчи енгилтак аёл 1,5 ёшли фарзандини уйга қулфлаб, ўзи бир неча соатга кўнгилхушлик қилишга жўнаб кетаркан. Бундай адолатсизликдан норасиданинг тинимсиз йиғиси орқали хабардор бўлган қўни-қўшнилар эртасигаёқ маҳаллий полициядан кўнғироқ қилишади. Натижада аёлнинг фарзанди давлат қарамоғига ўтиб, ўзи оналик ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Халқимиз ҳам бировнинг дардига ҳамдард бўладиган, масалаларни кўпчилик кенгаши билан ҳал этиш тажрибасига эга халқдир. Оиладаги адолатсизлик, зўравонлик, хотин ёки келинларни хўрлаш сингари ҳар қандай ножўя хатти-ҳаракат асосан, нодавлат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари, айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилса, айни муддао бўларди. Бугунги кунда маҳаллаларга катта ҳуқуқ ҳамда вазифалар юкланаётир. Шундан келиб чиқиб маҳалла фаоллари ишини янада жонлантиришда ҳуқуқий маслаҳатхонамизнинг адвокатларидан Людмила Жукова, Дилфуза Тўхтаева, Галина Майёровалар жойларда тушунтириш ишлари олиб боришади. Масалан, Г. Майёрова Чилонзор туманидаги мактабларда болалар ҳуқуқи бўйича иш олиб бориб, кўпгина нохуш ҳолатлар, ота-оналардаги тескари тарбия усулларига қарши кураш олиб боради.

Ишимизда муаммо туғдираётган нарса кўпқаватли биноларда истиқомат қилаётган аҳоли билан алоқаларни боғлашда бўлиб турибди. Бир қаращда бундай массивларда яшовчилар зич, бир-бирига яқин туришса-да, ўзаро муносабат, умумий уйғунликда нафас олиш уларда камроқ. Шунинг учун кўпқаватли уйларда яшовчиларни бир жойга тўплаб тушунтириш ишлари олиб бориш ҳам нисбатан қийин кечаётир. Лекин бизга мурожаат қилаётганлар орасида ҳар холда улар кўпчиликни ташкил этади.

Лазокат ЗУКУРОВА,
суҳбатлашди.



Меҳр

БЕМОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

«Экосан» халқаро жамғар-маси томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология ва қон қуйиш институтига камқонлик касаллигини даволашда ишлатиладиган қиймати 165 минг сўмлик 3000 дона «Гематоген» дориси, шунингдек, грипп ва сариқ юқумли касалликларининг олдини олишда қўлланилиб, ичимлик сувнинг биоэлектрфаоллигини оширадиган, нархи 70 минг сўмдан бўлган иккита «ЭСПЕРО-6» мосламаси ҳамда шифо масканларида дезинфекциялаш учун фойдаланиладиган 199 минг сўм миқдоридаги 105 литр «Полисепт» эритмаси мурувват сифатида бепул тақдим этилди.

– Инсонпарварлик ёрдами таркибидаги «Гематоген» препаратидан 140 нафар беморни даволашда фойдаланамиз, – деди Гематология ва қон қуйиш институти директори ўринбосари Анатолий Бугланов. – Айтиш зарурки, «Экосан» жамғармаси институтимизда даволанаётган беморларга мунтазам равишда ғамхўрлик кўрсатиб келяпти.

«Туркистон-пресс»

ЭЪТИРОЗЛАР КАМАЙДИ

Узун тумани алоқа корхонасида қиймати 55 миллион сўмлик янги рақамли телефон ускунаси ўрнатилгандан кейин мижозлар ўртасида эътирозлар камайди. Бунинг учун туман аҳли Швеция-Хорватиянинг «Никола-ТЕСЛА-Эриксон» фирмаси мутахассисларидан миннатдор бўлишаётир. Чунки ускуна хорижликлар билан ҳамкорликда монтаж қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Мусурмон Тилаков,
Сурхондарё вилояти,
«Туркистон-пресс»

2000 йил - Соғлом авлод йили

ОРТОДОНТ...

у кимларни даволайди?

Шу жиҳатдан ортодонт шифокорнинг хизмати ўта муҳим ҳисобланади. Сиз бундай хизмат соҳиблари ҳақида жуда оз нарса эшитгансиз, албатта. Аслида ортодонт кимларни даволайди? Суҳбатимиз ана шу хусусда кечади. Ушбу мавзуга алоқадор бир воқеа: шаҳар чеккасидаги қишлоқчада яшовчи ўн икки ёшли ўсмир қиз ортодонт қабулига боришга мажбур бўлди. Сабаби, қизнинг пастки жағи ўз шаклини ўзгартириб, ғайритабиий равишда олдинга туртиб чиққан, жаг соҳасининг бир томонида умуман тишлар йўқ эди. Бемор қиз зудлик билан текширувдан ўтказилди. Аниқланишича, унинг ота-онаси узоқ йиллар кимёвий препаратлар тайёрланадиган заводда ишлаган ва энг аянчлиси, улар иш жараёнида хавфсизлик қонун-қоидаларига умуман эътибор қилмаганлар. Хуллас, жағни асл ҳолига келтирувчи махсус пластинка ёрдамида қизни даволаш ишлари бошлаб юборилди. Хўш, бу муолажанинг натижаси нима бўлди? Худди шу савол билан мен суҳбатдошим, ортодонтия соҳаси бўйича Ўзбекистонда ягона профессор Аброр АБДУАЗИМОВга мурожаат этдим.



Соғломлик кишиларнинг фақат жисмоний баркамоллигию маънавий камолотигагина боғлиқмикин? Йўқ. Юз қиёфасининг тўкис кўркамлиги ҳам миллат саломатлигига кафолатдир!

— Бу қиз саккиз йилдирки, муолажа учун менинг ҳузуримга қатнайди. Шу йиллар ичида ижобий самара берувчи барча усуллардан фойдаландик. Эндиликда унинг бир томонида жаг тишлари ўсиб чиқа бошлади. Вақтида олди олинмаган ортодонтик хасталикни даволаш ҳам ўта мушкул эканини энди пайқаётгандирсиз. Агар бу қизни ота-онаси 4-5 ёшида олиб келишганида борми, муолажа анча осон кечарди, албатта. Шунда бемор қизнинг то 20 ёшгача жағига махсус пластинка тақиб юришига ҳожат қолмасди. Ҳамма фожеа шундаки, кўпчилик ота-оналар фарзандларининг тишлари нотўғри ривожланаётгани, тишжаг қисмида турли нуқсонлар пайдо бўлиши оқибатида юзнинг табиий гўзаллигига путур етаётганига эътибор беришмайди. Айниқса, чекка қишлоқларимизда қуёнлаб, сўйлоқ, тиш ўрни кемтик бўлиб туғилган ёки «ўғри» тиши чиқиб келаётган болаларни ортодонт шифокорга кўрсатиш зарурлигини билишмайди. Натижада, бундай болалар (айниқса қизалоқлар) балоғатга етишгач, оғиз атрофидаги косметик нуқсондан жуда ҳиҳолат тортишади. Ҳали таъкидлаганимиздек, вақт ўтгач бундай нуқсонларни тузатиш ҳам мураккаблашади.

— Аброр ака, ортодонтик касалликларининг келиб чиқишига асосий сабаб нима? Хасталикнинг асоратлари нималарда кўринади?

— Кузатишларимиз натижасига кўра, боланинг гўдаклигида рахит бўлиши, узоқ муддат сунъий овқатлантирилиши, бош бармоғи ёки лабини сўриши, шунингдек, оғзига мунтазам сўрғич солиб юриш каби ҳолатлар тиш-жаг қисмининг нормал ривожланишига тўсқинлик қилади. Яқинда бизга бир бемор болани олиб келишди. У тўрт ёшигача доимий равишда сўрғичда юрган. Биласизми, бундай ҳолларда сўрғич (сўска) танглай ва тил ўртасида ўзи учун жой ҳозирлайди, оқибатда тил пастга тушиб қолади, оғизда очиқ прикус (ёриқ) пайдо бўлади. Тишлар жипс бекилмайди, бола оғиздан нафас олади. Бу эса бора-бора жаг соҳасида жиддий нуқсонлар ҳосил бўлишига олиб келади. Пастки жағнинг шикастланиши, яллиғла-ниши, жаг тишларини вақтидан илгари олдириш, уйқу пайтида бошни орқага ташлаб ётиш ҳам ортодонтик хасталикларнинг пайдо бўлишига сабабчидир. Бу хасталикнинг хунук асоратларидан бири шундаки, у юз қиёфасида косметик нуқсон сифатида кўзга ташланади, шунингдек, беморда нафас олиш тартиби бузилади, чайнаш, ютиниш фаолияти издан чиқади, нутқ равонлигига путур етади.

— Ортодонтик хасталиклар қай усуллар билан даволанади? Бу хусусда қанақа муаммолар бор?

— Биз хасталикнинг келиб чиқиш турларига қараб, уни даволашда махсус аппаратлар, жарроҳлик ёки миогимнастика усулларидан бирини қўллаймиз. Жаг ичига қўйиладиган кенгайтирувчи винтли пластинка ёки пружинали пластинкаларнинг бирор хилини бемор 3-4 ой муддат ичида тақиб юради. Муолажа қатъий назорат остида маромига етказилса, юздаги косметик нуқсонлар ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Муаммоларимиз ҳам анчагина. Илгарилари ортодонтия институтида махсус фан сифатида эмас, балки стомотология курси дастурига қўшиб ўтиларди. Шунинг учун ҳам бу соҳада етук ва билимдон мутахассислар саноқли. Ортодонт шифокор борлиги ва унинг вазифаси ўта жиддий эканини кўпчилик билмаслигининг сабабиям шунда. Кейинги йилларда кўпгина соҳалар қаторида ортодонтия ҳам ўз йўналишини топди. Эндиликда барча вилоятларимизда ортодонт шифокорлар иш юритадиган махсус хоналар мавжуд. Шу соҳанинг эгалари маҳалла ва қишлоқларда ортодонтик хасталикларнинг олдини олиш борасида суҳбатлар ўтказишмоқда. Уларнинг ҳаммаси яхши. Лекин, даволашда қўлланиладиган қолип ва пластинкалар учун хомашё ҳалигача муаммо бўлиб турибди. Илгари бундай хомашё бизга четдан келтириларди. Эндиликда ўзимизда ҳам бундай нарсаларни тайёрлаш имкониятини яратиш зарур, менимча. Бу борада Жанубий Кореялик ҳамкасбларимиз билан тузган режаларимиз ўз самарасини берар. Ортодонтик хасталикларнинг келиб чиқиши бугунги кунда экологиянинг бузилиши, ҳавонинг ифлосланиши билан ҳам боғлиқ кечаяпти. Ҳар бир ота-она фарзандларининг тишжаг қисмидаги нотекисликларни сезиши биланоқ, дарҳол ортодонтга мурожаат қилиши лозим. Оилалардаги ҳар бир киши кузатувчанлиги, ҳушёрлиги билан бунга ҳисса қўшсин. Соғлом вужуд, теран тафаккур ва гўзал чеҳра бир-бирига ўзаро уйғун бўлса, инсон ҳақиқий камолотга эришади. Менимча, соғлом авлод йилида кўзда тутилган асосий вазифалардан бири ҳам шу бўлса керак.

ГУЛ ЖАМИЛА суҳбатлашди.

Фозил қори ЁСИН ўғли

Яхшилар гулшани

2.«Миллат миллатни таҳқир қилмасин...»

Биродарлик, меҳру оқибат, фуқаролар ўртасидаги аҳиллиқнинг хосияти кўп. Қайси маконда фуқаролар бирлиги, дўстлиги, аҳиллиги барқарор бўларкан, шу жойда албатта тўкин-сочинлик, фаровонлик, тараққиёт бўлади.

«МУСУЛМОНМИЗ» ДЕЙМИЗУ...

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм.

Аллоҳга шукрлар бўлсин, Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан тинчлик, хотиржамликда яшаяпмиз. Зеро, ҳар кимга ҳам, ҳар миллат-элатга ҳам бу Аллоҳ берган тинчлик неъмати насиб этаётгани йўқ. Аллоҳ таолло муқаддас каломида марҳамат қиладики: «Эй одамлар, биз сизларни қабила-қабила қилиб, ҳар хил кўринишда, ҳар хил рангда, ҳар турли замонда гаплашадиган қилиб, турли-турли жойларда ва турли иқлим, шароитларда бир ота-она - Одам Ато билан Момоҳаводан пайдо қилиб, Ер юзига тарқатиб қўйибмиз...»

Қора танли қилиб яратган ҳам, сариқ, оқ танли қилиб яратган ҳам Аллоҳ. Тилларимизнинг, шароитларимизнинг ҳар хил бўлишлиги, турли минтақаларда яшамоқлигимиз ҳам тақдири Илоҳийдир. Синаш учун бизни ҳар хил шароитда, турли тилда гаплашадиган қилиб яратган. Хулоса чиқаришимиз керакки, биз яратганнинг қаттиқ синовидан ўтаяпмиз. Аллоҳ таолло «Ҳижро» сурасида марҳамат қилиб яна айтадики: «Бир миллат бир миллатни таҳқир қилмасин, балки ўша таҳқир назари билан қараётган миллатнинг ичида сиздан ҳам яхшилари, поклари бордир». Ҳар бир миллатнинг ҳам яхшиси-яхши урф-одатлари бордир. Ҳар бир миллатнинг инсоний, яхши томонларини ўрганиб, ҳурматини жойига қўймоғимиз лозим.

Лекин, афсуски, баъзиларимиз «Мусулмонмиз» деб кўкракка урамиз-ку, аммо қилаётган ишларимиз, амалларимиз асл мусулмончиликдан эмас. Узун кўйлак, чопон кийиб, бошга салла ўраб олиб, соқол қўйиб: «Мен мусулмон бўлдим, қани нари тур...» деб уни-буни туртиб, одамларнинг иғвосини қилиб, керак бўлса савдо, тижоратда бировларнинг ҳаққига хиёнат қилиб юрганлар озми? Ҳадиси Шарифда айтиладики: «Аллоҳим амалингизга қарамайди, либосингиз билан ҳам иши йўқ. Қалбингизга қарайди, мўминлик тақволарини бажараяпсизми - йўқми, шунга қарайди. Чопон кийиб, сочини қирдириб олдириб, ароқ ичиб юрганлар камми? Гап қалбда, иймонда, эътиқодда, Аллоҳни юракдан танишда. Бир миллат вакилини ҳурмат қилсангиз, ўз миллатингизни ҳурмат ва эҳтиром этишларига сабаб бўласиз. Исломнинг, мўминларнинг обрўсини орттирган бўласиз.

Энди сизу бизга қўшни бўлган турли миллат вакилларини олайлик. Бирга бир мамлакатда яшаяпмизми, қўшничилик ҳаққини ҳам адо этишимиз керак экан. Агар қўшнингиз қариндош бўлса, унинг сизда учта ҳаққи бор. Бири қўшничилик ҳаққи, иккинчиси қариндошлик ҳаққи, учинчиси мусулмончилик ҳаққи. Агар қўшнингиз қариндош эмас, мусулмон қўшни бўлса, иккита ҳаққи бор - қўшничилик ҳаққи ва мусулмончилик ҳаққи. Агар қўшнингиз мусулмон бўлмаса, битта ҳаққи бор - қўшничилик ҳаққи. Қўшничилик ҳаққи борми, вафот этса жанозасига чиқасиз. Таҳқирламасдан удумларини, одатларини ҳурмат қиласиз. Ўзингизни мусулмончиликда сақлаган ҳолда уларнинг ҳам удумларини ҳурмат қилиб турасиз. Мусулмон бўлмаган қўшнингиз бетобланиб қолса, кириб хабар олишингиз, қарз сўраса беришингиз лозим бўлади. Тўй қилса кириб бирга қувониб, тантаналарида иштирок этасиз. Бирор маслаҳат сўраса насиҳат қилишингиз лозим. Мана шундай тинч-тотув вақтда ношукрчилик қилиб, адоватга бориб, фитна чиқарманг. Қўлингиздан келса маърифатга, ҳақ йўлга чақиринг, йўқса иттифоқликда қўшничилик, маҳаллачилик ҳурматини адо этиб, яшайверинг.

ОРИЯТ ЎЛЧОВИ

Дунёда турли инсонлар бор. Тарбия кўргани бор, тарбия кўчасидан ўтмаганлари бор. Маданиятлиси бор, тўпори, қўполлари бор. Инсоннинг кимлигини билиш учун унинг кийинишию муомаласи, ота-онаси қўйган исмию қилаётган ишларидан бемалол билиб олсангиз бўлади. Кўп нарсалар ёшликдан олган тарбияга боғлиқ бўларкан-да. Таълим-тарбия ҳам дунёвий, ҳам уқровий бўлса, инсон деган улуғ неъматга мос келаркан. Мана бир дуомиз, яъни оятимиз бор: «Э Раббим, бу дунёда ҳаётимизни яхши қилгин, охиратда ҳам яхши қилгин». Дунёда ҳаётимиз яхши бўлиши учун илм керак. Ҳунар керак. Онг керак. Фаҳм-фаросат керак. Дунё илмини, охират илмини бирга қўшиб олиб борсагина инсон камол топади. Одамийлик илмини, қалбларни маънавий жиҳатдан бойитгувчи илмларни эгаллашимиз, болаларга ҳам шундай тарбияларни беришимиз керак. Хаё, инсоф, ҳурмат, андиша, муомала маданиятини эгаллашимиз лозим. Шу икки илмнинг бири бўлиб, иккинчиси бўлмаса-чи? Дунёвий илм бору, уқровий илм бўлмади, дейлик. Унда киши кўнглига келган ишини қилади, нима хоҳласа шуни кийиб, кўчага чиқиб кетаверади. Агар дунёвий илмдан бехабар бўлиб фақат уқровий илм кетидан кетилса-чи? Бу ҳам суфийликка олиб бориб қўяди. Хорликка дучор қилади.

Айрим ёшларнинг хаёсизларча кийиниб юришига, энг биринчи оиласи, ота-онаси сабабчидир. Эрлар сабабчилар. Хонадонда эркак зоти сабабчи, дейди динимиз. Шулар насиҳат қилса, амри маъруф қилиб инонтирса, Худони танитса бундай бўлмасди.

Юртбошимиз «...маънавиятимизни бойитайлик, ота-боболаримиз қадриятини, миллий ғурурини тиклайлик...» деб куйиб-пишиб турганларида ахир, виждонан ўйлаб кўриш, кўмак бериш сизу бизнинг ҳам вазифамиз-ку. Айрим раҳбарлар, маҳалла фаоллари бунча лоқайд бўлмаса? Қайси диёрда яшаётганимизни, кимларнинг авлодидан эканимизни, ғузал динимиздаги фарз ва суннатларни унутмайлик, азизлар. Эркак одам оилага, бола-чақага, аёлларга бепарво бўлмаслиги, беэътибор юрмаслиги керак. Эътибор бермасак, нима қилса «ҳай» демасак, тижорат экан деб бир ўзини чет элларга юбориб қўйсак, рўзғорни тебратиш юкини ҳам бутунлай аёлнинг зиммасига юклаб қўйсак бизда эркаклик ғуруридан нима қолади? Бундай эркаклар Ватанни қандай ҳимоя қилади? Шу ўринда бир ривоят бор:

Бир золим босқинчи подшоҳ ўтган экан. Бирон юртни босиб олишдан олдин шу мамлакатга хуфя, жосусларни юборар экан. Навбатдаги босқинчилик юришидан олдин икки жосусни чақириб дебди:

«Сен фалон юртга борасан. Халқнинг чинакамига ичига кириб, ўзиники бўлиб оласан. Шу мамлакат ҳақида батафсил ҳамма нарсани билиб келасан. Иложи бўлса уйлан, ишла, ишончларини қозон, шунга қараб иш кўрамиз».

Иккинчи жосусга бошқа бир мамлакатга бориб, худди шундай вазифаларни бажаришни буюрибди. Жосуслар кетишибди. Биринчи жосус борган мамлакатда ҳамма нарса бемалол экан. Бир-икки марта уйланиб ҳам олибди. Зинолар қилибди. Эркакларнинг ҳечам аёллари билан иши йўқ. Қизғаниш у ёқда турсин, «ихтиёри ўзида» деб турганмиш. Хуллас орномус, ҳаёсини йўқотган эл экан. Иккинчи жосус борган мамлакатда аҳвол бутунлай ўзгачамиш. Ҳалиги жосус бирор аёлнинг олдига ҳам боролмабди. Эрлари ё оталари у ёқда турсин бегона эркак ҳам аёл кишининг ёнига бегона эркакнинг борганини кўрса «Эй, сенга нима керак? Нега бизнинг аёлларимизга гап отаяпсан?» - деб тураркан. Уйлана олмабди ҳам. Уларга қўшила олмабди ҳам. Чунки бу мамлакат фуқаролари ориятли, иймонли, эътиқодли, аёлларга эътибори баланд экан.

Бир қанча вақт ўтганидан кейин ҳалиги икки жосус келиб подшоҳига бор гапни айтиб беришибди. Шунда подшо айтган экан:

— Биз мана бу аёлларига беэътибор, иймонсизлар яшайдиган давлатга юриш қиламиз. Ва уни бир ҳамлада босиб оламиз. Ҳалиги сен борган иккинчи мамлакатни юз йилда ҳам босиб олиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳар ишни қилаётганимизда орият ўлчови билан чамалаб кўрайлик. Кишида меъёр бўлсин. Биз айтмаймиз: «Чопонга ўралволгин, соқол қўйгин» деб. Ҳаммаёғингни ўраб, паранжининг ичига киргин ҳам демаймиз. Замонангнинг фарзанди бўлгин, биров кўрганда кийимларингдан ижирғанмасин. Қайси замонда яшаяпмиз, кимларнинг авлодимиз, динимиз, аҳкомларимиз нималардан иборат унутмагин деймиз.

Ассалому алайкум «Mahalla»

ВАЪДА БЕРИШГАНДИ, ЛЕКИН

Бизлар бир гуруҳ нуронийлар Сирдарё вилоят Ш.Рашидов туман Ш.Рашидов хўжалигида истиқомат қиламиз. Биз яшаб турган хўжалик бир вақтлар ниҳоятда донгдор, илғор хўжаликлардан бири эди. Бир неча йилдан буён хўжаликда ишлаб чиқариш режалари: пахта, дон ва бошқа маҳсулотлар режаси бажарилмай келаяпти. Натижада биз яшаб турган қишлоқ аҳолиси кўпгина масалалар юзасидан қийналмоқдамиз. Айниқса, қишлоғимизга 1997 йилдан буён тоза ичимлик суви келмай қўйди. Шу сабабли қишлоқ аҳолиси лотокдаги лойқа оқар сувларни тиндириб истеъмол қилмоқда. Натижада ёш болалар ва бошқа аҳоли ўртасида ҳар хил юқумли, ич оғриқ касалликлари тарқалмоқда.

Бизлар шу масала юзасидан туман, вилоят ҳокимлигига мурожаат қилдик, аммо ҳамон натижа йўқ. 1999 йил матбуотга мурожаат қилган эдик. Улар келиб текшириб туман ҳокимлигидан тўртинчи чоракда Ш.Рашидов хўжалигига тоза ичимлик суви келади деган жавобни олиб, бизга ваъда берган эди. Ҳамон натижа йўқ. Шунинг учун яна бир бор матбуотга, «Mahalla» рўзномасига мурожаат қилиб сизлардан нажот кутишга ва малҳам топишга ишонч билан мурожаат қилмоқдамиз.

Абдулла ЭШОНҚУЛОВ, Эшназ ЖУМАНАЗАРОВ, Қудрат ЖУМАБОЕВ, Тожибой ШОИМОВ, Абдураҳмон РИСБОЕВ, Довид ИБРАГИМОВ, ва бошқалар жами 100 киши.

ОҒИР КУНЛАР ОРТДА ҚОЛДИ

Оғир кунда ёрдам қўлини чўзувчи, ўзгалар дардини тинглаб, хаста кўнгилларга малҳам қўювчи меҳр-мурувватли инсонлар борлигига иноний, янглишмаган эканман.

Бошидан ўтказган табиб, дейдилар. Ўзим биринчи гуруҳ ногирониман. Бахтга қарши саккиз ёшли ўғлим буйрак хасталигига чалиниб, анча азият чекди. Ўзимнинг ташвишимга ўғлимники ҳам қўшилиб дардим ўн чандон ошди. Бунинг устига оиламизда ҳам бир талай қийинчиликлар пайдо бўлди. Дунё кўзимга қоронғу кўриниб кетди.

Минг бир истиҳола билан ёрдам беришларини сўраб, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент вилояти бўлимига мурожаат қилдим. Оғир кунда ёрдам қўлини чўзувчи, ўзгалар дардини тинглаб, хаста кўнгилларга малҳам қўювчи меҳр-мурувватли инсонлар борлигига иноний, янглишмаган эканман. Жамғарма ходимлари ва яхши инсонлар ўғлимни шифохонага жойлаштиришда, дори-дармон сотиб олишда кўмак беришди.

Ҳақиқатан ҳам ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ экан. Оиламиз бошига тушган оғир кунлар ортда қолди. Ўғлимнинг соғлиги яхшиланди.

– Газета саҳифаси орқали жамғарманинг ширинсухан ходимлари ва шифокорларига, хусусан, фидойи инсон Жаҳон Роҳатовага самимий миннатдорчилигимни етказишингизни сўрайман, – дейди ўртачирчиқлик Малика Темирова.

«Туркистон-пресс»

Қорақалпоғистон Республикаси

«Сарибий» овулида

Оролбўйи минтақасида бундай аҳоли зич жойлашган овул фуқаролар йиғини унча кўп эмас. Биз сўз юритмоқчи бўлганимиз «Сарибий»да эса 15 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Овулда фуқаролар йиғини фаолларининг тадбиркорлиги натижасида катта иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар содир этилди.

Янги муҳташам бинолар, тайёр товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилиб, овул кўркига кўрк қўшди. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина «Нукус-Тўрткўл» магистрал йўли бўйидаги марказий гузарда халқ банки филиали, автобекат, минг нуқталик электрон АТС, мироблар уйи, фермер хўжаликлари уюшмаси учун маъмурий бинолар фойдаланишга топширилди.

Овулнинг «Тошкент» гузари яқинида эса Қорақалпоғистон Республикасидаги йирик «Сарибий» санаторий-профилакторийсига ҳар йили минглаб кишилар келишиб, ўзларининг саломатликларини мустаҳкамлаб кетмоқдалар. Тўртта гузарда эса 40 дан кўпроқ нуқталарда савдо, маиший ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатилаяпти. Учта умумтаълим ва 2-ихтисослашган мактабларда, 24-лицейда халқ таълимини ислоҳ қилиш бир маромда олиб борилиб, кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги миллий дастур оғишмай адо этилмоқда. Минглаб ўғил-қизларга билим сирлари ўргатилмоқда.

Овул фуқаролар йиғини оқсоқоли Файзулла Худойбергановнинг ва унинг етти нафар маслаҳатчилари саъй-ҳаракатлари билан янги иш ўринлари барпо этишда ҳам дуруст натижаларга эришилаяпти. Жумладан «Элекс» - Элликқалъа тўқимачилик ҳиссадорлик жамиятининг қишлоқда иш бошлаган кичик цехида 50 нафар йигит-қизлар иш билан таъминланди.

«Сарибий»да ҳар бир хонадон ва гузарларнинг озодалиги, ободонлигига жуда катта эътибор берилади. Тўй-ҳашам, маросимларни кам харажат сарфлаган ҳолда, ихчам ҳамда дабдабасиз ўтказиш ҳам овул фуқаролар йиғини фаолларининг, фахрийларининг биринчи даражали ишига айланган.

Овул фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермерлар, Қорақалпоғистон Жуқорғи Кенгеси депутати Юлдашбой Авезниёзов бошқарган уюшма, Мўмин Жуманиёзов раҳбарлик қилаётган «Оқ йўл» ҳиссадорлик жамияти деҳқончилик ҳамда чорвачилик соҳаларида белгиланган режаларни ҳамиша ортиги билан уддалаб келаяпти. Натижада овул аҳолиси турмуши фаровон, ҳаёти тинч, юқори иш ҳақи олган ҳолда ҳамжиҳатликда яратувчанлик ишлари билан машғуллар.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарорига биноан ўтказилган Оролбўйи овул фуқаролар йиғинлари курсатанловида «Сарибий» биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Ва 150 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Ғолибларнинг келгуси режалари билан танишар эканмиз улар янада улуғвор вазифаларни адо этишни кўзлаётганининг гувоҳи бўламиз. «Думанқалъа»да 5 минг аҳолига мўлжалланган темир йўлчилар шаҳарчаси қурилмоқда. «Қошқўра» гузари яқинида 105 ўринли касалхона қурилиши эса поёнига етаяпти. Бу кенг кўламли ва масъулиятли ишларни маромида адо этишда «Сарибий»ликларга омад тилаймиз.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Озода НАЗАРОВА:

«Тўйда санъат намойиш этилмайди, «хизмат» қилинади, холос»

Бу аёл (келинг, унинг номидан олдин қўшиладиган хонанда, санъаткор деган сўзлар бироз дам олиб турсин) жуда қувноқ. Уни фақат санъати орқали биладиганлар, таниганлар у ҳақда деярли ҳеч нарса билмайди, десак ҳам бўлади

Уни шахсан билганлар у билан суҳбат чоғида касбикорини, лавозимию мавқеини, катта ёки кичиклигини тамоман унутишга мажбур бўлади. Унинг ўзи ҳам сиз билан рўбарў келганда саҳнадаги санъаткорга сира ўхшамайди. Саломидан кейинги сўзи аския. Тасаввур қилинг: ўзингиз лифтдан ташқарида туриб уни лифт ичида кўриб қолдингиз. Лифт эшиги ёпилиб бирбировингизни кўролмай қолгунча неча сониялик дақиқа. Лекин шу вақт мобайнида у сизга саломини ҳам, хандасини ҳам айтиб улгуради.

Озода опа шундай одати билан ҳамма жойда, уйда ҳам, ишда ҳам, маҳалла-кўйда ҳам ўзига «яшил чироқ» ясайди. У шундай қувноқлиги билан «ўзининг бошида ёнғоқ чақиши» мумкин бўлган қайнонаси Фотима холани дутор чалиб «ўз мусиқасига ўйнатади». Халқ артисти, қайнонасининг акаси, ўзининг иборасида айтганда «додаси» тўқсондан ошган Ғани Аъзамовни ҳазил-мутойибада «мот қилади». Унинг саҳнани соғинган кўнглини кўтаради. Эри, камдан-кам одамни феъли ёқтирадиган, қаҳ-қаҳани қўяверинг, жилмайишга ҳам минг истиҳола қиладиган қаттиққўл судья Тоҳир акани ҳам кулдиради, анчадан буён безовта қилиб келаётган юрак дардига сўз малҳамини ҳадя қилиб келади. Вақт топилди деганча «06» сини «мингга қўйиб», қишлоғи - Самарқандннинг Жомбойига бориб юз билан юзлашишни ният қилиб яшаётган отасини, қадрдон-қариндошларини кўриб, яйратиб, ўйнатиб келади. Бу унинг асосий фаолиятдан ташқари «фаолияти»га қисқача «аннотация» холос.

- Озода опа, чорак асрдан буён Ўзбекистон радиоси қошидаги Дони Зокиров номли халқ чолғу асбоблари оркестри созандаси ва хонандасисиз. Оркестрда 60 дан кўпроқ эркак ичида бир аёлсиз. Ҳеч ўзингизни аёллар вакили сифатида ёлғиз сезасизми?

- Аввало оркестр ўта жиддий қиёфадаги санъат маскани. Эркак бўлсин, аёл бўлсин бу масканда ҳамма ўзининг энг жиддий кийимида юради. Яъни бу ер балет санъати эмаски, шу санъат кийимидаги ёлғиз аёллигим учун тортинсам. Қолаверса, ўзимнинг азалдан тортинчоқликни унутиб юборганим, шўх-шаддодлигимдан ҳеч жойда ўзимни ёлғиз сезмайман. Ҳозир бадиий раҳбаримиз Мустафо Бафоев раҳбарлигида ижодий изланаяпмиз.

- Оркестрда ишлаш қийинми, осонми?

- Оркестр бу ҳақиқий маънодаги санъат асари юзага келадиган маскан. Бу ерда ижодий меҳнат бўлади. Санъаткор албатта шундай қийин йўлдан бориб қўшиқ яратсагина, ҳақиқий қўшиқ яралади. Йўл-йўлакай, осонгина яралган қўшиқлар қанча севимли бўлмасин, мухлисларни чалғитади, холос. Маълум даврда (ўша қўшиқ яшаб турган пайтда) одамларни руҳий, маънавий ривожланишдан тўхтатиб қўйишга хизмат қилади.

- Озода опа, ёшингиз ва босиб ўтган санъат йўлингиз жиҳатидан сизнинг тенгқурларингиз айни пайтда телеэкранда кам кўринишмокда, ҳозир одат бўлган клиплар яратишмаяпти. Сабаби нима?

- Тўғрисини айтсам, саволингиз мавзусидан ёш дўстларимиз томонидан яратилиб, экранга чиқарилаётган ўша «клип»ларни кўриб кўзингиз чарчагани, кўнглингиз қолганини сезиб турибман.

...Бир хонандамиз юқоридан туриб «кеннойи» деб бақиради. «Кеннойи» дегани, бу акасининг хотини, ҳаммага тушунарли қилиб айтганда янгаси бўлади. Кейин ўша йигит янгасини ҳовлини айлантириб, менга ўзингиздек келин топиб беринг, дея қўшиқ айтиб қийқиратиб қувади. Бир-бирига сув сепишиб, ҳовли саҳнидаги ҳовузга йиқилишади. Гўё ўзига ўхшаган қиз янганинг чўнтагидаю, у бермасдан қочиб юрибди. Қолаверса, янга билан қайнуканинг ҳовлида қувлашиб, сув сепишиб юриши... ақлга сиғмайди. Баъзи клиплардаги маъно қайдаю, тасвир қайда? Бундан ташқари қўшиқ матнида «сигир» сўзи бўлса сигирни, тоға ҳақида сўз кетса, бир амакини, суннат тўйи ҳақида гап кетса, иштонсиз болани кўрсатиш бу клип эмас. Клип бу матнда айтиб мухлисга етказа олмаган мавзуга алоқадор қўшимча мазмун, эҳтирос, қолаверса оҳангдир. Худди шундай сийқа, бачкана бир клипнинг бир кунда ўн мартагача такрорланиши ҳам қўшиқдек сеҳрдан одамларни бездириб қўяяпти. Ҳа, мен ҳам ачинаман, кўплаб эл севган санъаткорларимиз телеэкранда кўринмай қўйишди. Кўплари мана шундай бачканаликлар ичида аралашиб қолишдан чўчиб ҳам шундай қилишаяпти.

- Тўйда санъат намойишини қандай баҳолайсиз?

- Тўғриси, тўйда ҳақиқий маънодаги санъат намойиш қилинмайди, тўйда ўз номи билан «хизмат» қиламиз. Тўйда санъат намойиш қилишнинг асло имкони йўқ. Тўй - бу тўй, кимдир ширакайф, кимдир суҳбатга берилган, бунинг устига шароит ҳам ўзига яраша. Лекин ўша «хизмат» маънавияти юзасидан гап кетса, бошқа гап.

- Хўш, ўша «хизмат»га сиз қандай шарт билан борасиз?

- Мен кўпроқ ўзим, торим, бир доирачи билан бораман. Ҳатто машина рулида ҳам ўзим. Чунки сизни тадбирга чорлаган одам сафингиздаги ҳар бир одам учун маблағ бериши керак. Яқинда бир ҳангома бўлди: Бир танишимнинг, яъни хизмат ҳақи берилмайдиган тадбирига бордим. Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳар бир санъаткор бундай хизматни «том сувоқ» дейди. Шу ерда ҳангома чарлар тугагач бошланди. Хизмат ҳақи йўқлигини билган яъни чарларга бир каттакон амакидан «ҳадя» бўлиб келган эркак санъаткор : «Менга ҳеч нарса керакмас, лекин мен «составим»га нима дейман» деб туриб олди. «Состави» эса ўнтача йигит.

Ҳа, ҳозир чарларга ҳам, бешик тўйига ҳам, келин кўрдига ҳам, ҳатто ўн-ўн беш кишилик хотинлар «гапи»га ҳам эр йигитлар тортинмай «состави» билан боришаяпти. Аввало, шу давраларда ўртада эр йигитнинг хизмати қулайми? Биз ҳаммамиз инсонлармиз, яъни бир-биримизга ҳаммадан кўра меҳр-оқибатли мусулмон аҳлимиз. Ахир ўша қўлидан давра ўтказа оладиган санъаткор тўй соҳибига нега раҳм қилмайди? Тўй, чарлар ёки бошқа бир даврани «состав» билан ўтказиш шартми? Қолаверса, баъзи санъаткорларимиз тўйда «бирров»га бориб, бир чемодан яъни фонограмма билан хизмат қилишади. Бу ҳурматсизлик эмасми? Чироқ ўчиб қолиб шарманда бўлганлар ҳам бор. «Бирров»га борганларни навбат талашишини айтмайсизми? Тўғрисини, айтсам, бу гапларни эшитган ҳамкасабаларим «ўзингиз-чи» дейишлари мумкин. Бундай «тарсаки»га тайёрман ва ҳеч ким «фаришта» эмас. Гап ҳаммамиз ҳақида кетаяпти. Ҳа, ҳаммамиз ҳақида. Менда бугина айб, сизда угина айб - йиғилиб жамиятга салбий таъсир этаяпти-да.

- Баъзи қўшиқларнинг матни мазмуни нафақат шеър талаби, кўчадаги оддий сўзлашув тили даражасидагидан ҳам паст. Сиз уларга қайси «шоир» ёзиб беради, деб ўйлайсиз?

- Алам қиладиган томони шундаки, улар оғзидан қўшиқ бўлиб чиқаётган сўз, ибораларни шеър шундай бўлади, деб ўйлашади. Аччиқ, лекин тан олиш керак: савия шу даражада паст. Ундан юқори даража уларга кулгулик туюлади. Маъноли, мазмунли шеърни тан олишмайди - тушунишмайди. Бунинг устига ҳозир «мана бу деганинг нима деганинг, сакраганинг нима учун керак» деган савол ҳам берилмайди. Маънавий оламнинг қўриқчилари - адабий танқид, телерадиога чиқадиган шеъру қўшиқлар даражасини чиғириқдан ўтказадиган кенгашлар фаолияти яна изчил жонланиши лозим. Бу ўринда ҳозир радиода яна иш бошланди. Ҳа, айтмоқчи бу матнларнинг «ижодкори» ҳақида. Шеърни фарқига бормаган одам, шоир танлашнинг ҳам фарқига бормайди-да.

Суҳбатдош: «Mahalla» мухбири.

Орамиздаги одамлар

Пахта отсам, тош отасизми?

Рўпарамда 70 ёшни қоралаган Санобар опа ўтирибди. У ҳар гал гапиришга чоғланганида кўзларидан дув-дув ёш қуюлади. Чой узатиб тасалли бердим. Опахон анчадан кейин ўзини қўлга олди.

— Худо бор ўғлим, Худо бор. - дея сўзини бошлади.

Ҳайрон бўлдим. Нега бу сўзларни алоҳида таъкидлаяпсиз дегандек унга қарадим. Опахон сўзини такрорлади. «Худо бор, Тангрим ким нима қилаётганини кўриб билиб туради. Ҳайрон бўлманг, ўғлим, дардимни очаётганимга. Бундан ўн йил илгари бошимизга қулфат тушди. Тўғрироғи, ҳовлимизда машмаша бошланди.

— Ўша куни Нормирза акангиз билан уйда эдик. Кутилмаганда эшик тақиллади. Чиқсам болали аёл, ёнида бир йигит (кейин билсам эри экан). Ташқари совуқ, оёқ остида қор.

— Мусофирмиз бир кечага жой беринг, - деди ўзини Бахтиёр деб таништирган йигит. - Поезддан кеч қолдик, меҳмонхонага борай десак, чўнтагимиз «кўтармади».

Бу ҳаётда не-не қийинчиликларни кўрмадик. Савоб бўлар деб уларни уйга киритдик. Тонгда аёл - Зарифа кўзида ёш билан олдимга келди-да:

Икки-уч кун турайлик, кетишга пулимиз йўқ, - дея ялиниб-ёлворди. Ўзбекчилик экан. Устига меҳмонновозликни ўйлаб: «Қизиқмисизлар майли яшанглар. Мусофирчиликда баъзан шундай ҳам бўлади, - деб уни юпатдим. Уч-тўрт кун ўтгач, Зарифа эрим фабрикага кирмоқчи, тезда уй ҳам беришаркан. Шунгача яшасак, ҳақини тўлаймиз, - деди.

Ўқитувчиликдан пенсияга чиққанман. Нормирза акангиз хорижда кўп йил ишлаган. Қисқаси, нимаики топган бўлсак, уй-жой қуришга сарфладик. Ҳайҳотдек ерда учта уй бор. Уч ўғил, икки қизни тарбияладик. Қизлар турмушга чиққан. Ўғиллар фирмада ишлашади, топиш-тутишлари яхши. Уй-жойлари бор. Ҳафтада хабар олишади. Шунча жой бизга кўп, яшайверинглар деб юборибмиз, денг. Бағримиз кенг бўлса керак-да. Рўзғор-ғор. Мусофирлар ишламаса?! Топган-тутганимизни баҳам кўрдик, орадан ўн беш кун ўтгач Зарифа йиғлаб келди. Фарзанди нобуд бўлибди. Негадир шундан кейин улар фарзандимиздек бўлиб кетишди.

Бир йил ўтди. Пропискаси тўғри бўлгач, мусофир - Бахтиёр ва Зарифа қилиқ чиқаришди. Уйдан меҳмон аримади. Баъзи кунлари зиёфат тонггача чўзиладиган бўлиб қолди. Уларни тартибга чақиришга аввал истиҳола қилдик. Бир куни дераза ойналари чил-чил сингач Нормирза акангиз чидолмади. «Бу нима қилиқ?» дегандилар, Бахтиёр уларни ёқасидан олдида: «Кеккайма! Онангни учқўрғонидан кўрсатворaман» - деди. Акангизга кўп гап кўп. Қон босимлари ошиб кетди, шифохонага ётқиздик. «Бахтиёр кўп ичган, уйламайнетмай валдираган, кечирим сўрайди,» деб ўз-ўзимизга тасалли бердик. Янглишибмиз. Зарифаю Бахтиёрдан садо чиқмади. Ҳайрон бўлдик. Бу қилиқлар ҳолва экан. Бахтиёр кунора ичиб келиб тўполон қиладиган: «Хоҳласам сенларни кўчириб юбораман» дейдиган бўлди. Пичоқ суякка бориб тақалди. Бахтиёр ҳушёрлигида акангиз: «Қани кўтар тўрва-халтангни» дедилар. Бахтиёр ғўлдирадида кўчага чиқиб кетди. Шомда уч барзанги йигитни бошлаб келди. Улардан бири акангиз биқинига пичоқ тиради-да: «Жонингдан умидинг бўлса, Бахтиёрга ғинг демайсан,» - деди.

Ёмон-ёмон экан. Нима ҳам қила олардик. Кимга нима дейишни билолмадик, Акангиз биратўла ётиб қолди. Соғайгач уларни судга бермоқчи бўлдим.

Бир куни шифохонадан келсам, эшик олдида иккиучта бегона машина турибди. Бахтиёр билан Зарифа тоққа чиққанида фалокатга йўлиқишибди. Улар тушган машина жарликка қулабди. Зарифа ўша жойда оламдан ўтибди. Бахтиёрни шифохонага оғир аҳволда келтиришибди.

Беш йил бирга турдик. Одамга инсоф ҳам керак деб Бахтиёрни кўргани бордик. Бизни кўриб йиғлаганича: «Худо қилмишимизга яраша жазолади. Дилингизни оғритдик, кечиринглар,» - деди. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг давоси бор. Тезроқ соғайинг дегандик. Бахтиёр бошини деворга урди-да: Сизлар қандай одамсизлар? Отган пахтангизга тош отсак ҳам кечирасизлар-а! Мен бундай қилолмайман. Минг бор узр, дунё тургунича турингларр», деганича юм-юм йиғлади.

Бахтиёр шифохонадан ярим йил деганда чиқди. Ис чиқарди, келганлар олдида яна тавбаю тазарру қилди. Эртасига менинг кечирганлигимга қарамасдан кўчиб кетди. Бу унинг астойдил пушаймонлик белгиси эди.

Холхўжа МИРЗАЕВ.

Одамлар ва одатлар

Келинпошша, гуруч тўкилмасин!

Индонезияча тўйда иштирок этиш сизга насиб этганми? Бу халқнинг қутлуғ маросимига гувоҳ бўлиш мухбиримизга насиб этди. Қизиғи шундаки, тўй маросими Суматра ғўшаларидан бирида эмас, Тошкентнинг қоқ марказида, Индонезия элчихонасида бўлиб ўтди.

Индонезияда фуқароларнинг 95 фоизини маҳаллий туб аҳоли ташкил этса-да, қолган жимиттаккина қисми бошқа миллат, элат ва халқлар, хусусан, хитойи халқлар ташкил қилади .Демак, қанча миллат бўлса, шунча миллий урф-одат, анъаналар мавжуд бўлади. Элчихонанинг масъул ходими Амир Ҳамзанинг таъкидлашича, биз гувоҳи бўлган тўй турфа одат ва маросимларга бой бўлган индонез халқининг умум қабул қилинган қоидалари асосида ўтказилди.

Маросимнинг асосий сабабчилари улкан меҳмонхона ичига кириб келишганида, зал узоқ-яқиндан таклиф этилган меҳмонлар билан тўлиб бўлганди. Куёв анъанавий гулдор дўппида, келин шохона тож кийган, худди қиролича дейсиз. Ўртани олиб бораётган сўзамол давра сухандони (расмий мутахассислиги - дипломат) маросимни дам куёвнинг тилида, дам «қиролича» ва унинг яқинлари ҳурматини бажо келтириш мақсадида рус тилида сўзлай бошлади. Кейин маълум бўлишича, келин ўзимизнинг ватандошимиз Валентина Агаджанова экан.

Шундай қилиб тўй маросими бошлаб юборилди. Куёв ҳеч иккиланмасдан қопчадан гуручни тўка бошлайди. Лекин дон увол бўлиб ерга эмас, келин тутиб турган рўмолча ичига тўкилади. Бу маросимда келиндан ниҳоятда эҳтиёткорлик, пишиқ-пухталик талаб этилади. Чунки, келажакда унинг рисоладагидек уй бекаси, оиладаги бараканинг соҳибаси бўла олишлиги шу тадбир баҳонасидаёқ билиб олинади.

Иккинчи тадбир ҳам келинпошшани анча имтиҳондан ўтказади. У эпчил, ораста ҳаракатлари билан куёв синдирган тухумнинг ёйилиб-тўкилмаслигига ғайрат қилиши лозим. Куррамизда қизиқ одатлар, ажойиб одамлар яшайди. Индонезия элчихонасида нишонланган «тўй имтиҳони»дан ватандошимиз муваффақиятли ўтди. Унга катта ҳаёт имтиҳонларидан ҳам муваффақият билан ўтишни тилаб қоламиз.

Озод ПРИМОВ.

Суратда: Индонезияча тўй маросимидан лавҳа.

МУҲАННИМ АЙТАДИКИ...

*** ҚЎЙ** — Ушбу бурж остида таваллуд топганларнинг кўпларида сезгирлик ва жўшқинлик сифатлари намоён бўлади. Шароит кўнгилдагидек бўлмай қолса, ўзингизни қўлга олиб, хотиржам бўлишга ҳаракат қилинг.

*** БУЗОҚ** — Орзуларингиз муваффақиятларга уланиб кетади. Муваффақиятли қадамларга маҳлиё бўлиб, йил эндигина бошланганлиги, кучғайратингизни аяб сарфлаш лозимлигини ҳам унутманг.

*** ЭГИЗАКЛАР** — Ҳафтанинг биринчи уч куни қолган ишларингизни бажариб олиш учун қулай вақт ҳисобланади. Ёмон вазиятлар сиздан йироқ бўлади. Ҳамма муаммоларингизни кўнгилдагидек хал этасиз.

*** ҚИСҚИЧБАҚА** — Кайфиятингиз яхши бўлади. Бу турмуш ўртоғингиз билан муносабатларингизнинг янада мустаҳкамланишига омил бўлади. Иш ва бошқа юмушлар билан анча банд бўлган пайтингизда ҳам фарзандларингиз учун вақт ажратишга ҳаракат қилинг. Уларнинг хурсандчилиги сизга куч-қувват, ҳушнудлик бағишлайди.

*** АРСЛОН** — Ҳафтанинг кўрсаткичлари сиздан ҳал этилиши лозим бўлган иш ва масалаларга янада эътибор билан қарашни талаб этади. Агар нимадир сиз кутгандек ҳал бўлмаса хафа бўлманг. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

*** ПАРИЗОД** — Руҳингизнинг бардамлиги, соғлиғингизнинг яхшилиги йилни муваффақият билан бошлашингизга имкон беради. Шу ҳафтада фаолиятингиз эътироф этилиши ва моддий рағбатлантирилишингиз мумкин.

*** ТАРОЗУ** — Ушбу даврда атрофингиздагилар билан бўлган муносабатларда бироз кўнгилсизликлар бўлиши эҳтимоли бор. Шу сабабли ўзингизга бино қўйишдан тийилинг. Агар меҳр кўрсатмасангиз муҳаббат ҳам сўниб қолиши мумкин, дейишлари бежиз эмас...

*** ЧАЁН** — Муҳаббат, жўшқинлик ва яратувчилик сиз учун хафтанинг моҳиятини белгилайди. Шундай вазиятда кўплаб масалаларни хал этиш имкониятига эгасиз.

*** ЎҚОТАР** — Бу ҳафтада уй-рўзғор ташвишлари билан муҳаббат масалаларини муваффақият билан эплайсиз. Ортиқча куч-ғайратсиз ҳар нарсага улгурасиз, ҳаммасини эплайсиз. Ҳафтанинг дастлабки кунлари кўтаринки кайфият, эсда қолари таассуротлар ато этади.

*** ТОҒ ЭЧКИСИ** — Яқинларингиз ва қариндош-уруғларингиз сизга моддий ёрдам беришади. Бу кайфиятингизнинг кўтарилиши ва йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишингизга ёрдам беради. Сиз ўз ҳаракатларингиз билан асосий диққат-эътиборингизни моддий аҳволингизни яхшилаш ва хизматда кўтарилишга қаратасиз. Бу сизга омад олиб келиши мумкин. Чунки сизда имкониятлар етарли.

***ҚОВҒА** — Ҳафта кўрсаткичлари сиз учун ғоятда яхши келишини башорат қилмоқда. Шу сабабли ҳам муваффақиятлар сизга ҳамроҳ бўлади. Бу даврда иш ўрнида кўтарилиш, молиявий аҳволингизни яхшилаш ҳақида ўйлаб кўрсангиз омад ёр бўлиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сиз тўғри йўлдан бораяпсиз, дилингиздаги ниятларнинг айримлари анча енгиллик билан амалга ошади.

*** БАЛИҚ** — Бу ҳафта ижодда ўзингизни кўрсатишингиз учун жуда қулай. Аммо муваффақият сари дадил интилишингиз, майда-чуйда нарсаларга эътибор бермаслигингиз талаб этилади.

ҒАЛБОРОВ Фуркатжон! Шуғилган куннингиз билан муборакбод этамиз. Соғ-омон бўлинг.

Оила аъзоларингиз.

Тарихдан тариқдай ҳақиқат

ҲИЙЛАИ ШЕЪРИЙ

Араб халифаларидан Хорун-ар-Рашид (766-809) адабиётни, шеъриятни севган киши бўлиб, кунларнинг бирида у ўз ҳузурига машҳур шоир Абу Нувосни (747-815) таклиф этган.

Бундан хурсанд бўлган шоир саройга етиб келиб, ҳалифа ўлтирган хонага кирганда, у бир ҳабаш қизи билан кўнгил ёзиб ўлтирган бўлади. Абу Нувосга эса аҳамият бермайди. Канизакнинг исми Холиса бўлиб, ҳалифа унинг қошу кўзи, юзига маҳлиё, ундан ҳеч нигоҳини узмас, унга меҳрибонлик қилиб, илтифотлар кўрсатар, қўлларини силар, қулоғига бир нарсалар дер эди ҳам. Холиса қора танлиларга мансуб бўлса ҳам, лекин кийимлари ўзига ярашган, нозу карашмалари билан шоҳ қалбини тўла забт эта олган эди. У ўзи қора бўлса-да, қулоғидаги қимматбаҳо тошлар билан безатилган олтин балдоғи ярашиб, атрофга нур сочиб турарди.

Абу Нувос бир четга ўрнашиб, ҳалифа шаънига, унинг муҳаббати, инсонийлиги хусусида бир неча шеърлар ўқийди. Бироқ Хорун-ар-Рашид унинг шеърларини эшитиб-эшитмасдан, маъносига ҳам эътибор бермасдан, борлиғини севгилисига бағишлаган эди. Унинг бундай хатти-ҳаракатларидан ранжиган шоир ўзини камситилган, ҳақоратланган ҳисоблаб, ҳалифага билдирмай, хонадан секин чиқиб кетади ва эшикка бўрга ўхшаш нарса билан қуйидаги байтни ёзиб қолдиради:

Ли қад зоъа шеъри
ало бобикум,
Камо зоъа икди
ало Холиса.

Таржимаси:

Хор бўлди эшигингда
ўқиган шеърларим, -
Холиса қулоғида хор
бўлган каби балдоқ.

Эртасига Хорун-ар-Рашид эшикка ёзилган шеърни кўриб, жаҳли чиқади ва буни Абу Нувос ёзганини тушуниб, дарҳол уни ҳузурига чақиртиради. Абу Нувос ҳалифанинг нимага йўқлаганини билиб, унинг хонасига кириб бораётганда эшикка ёзиб кетган шеъридаги «хор бўлмоқ» маъносидаги «зоъа» сўзида мавжуд айн ҳарфининг пастки кўзини тирсаги билан ўчириб кетади. Ҳалифа олдига кириб ўлтириши биланоқ шоҳ унга:

— Кеча эшикка нима деб ёзиб кетдинг? - деб дўқ уради.

Абу Нувос эса ҳаяжонланмай:

— Ҳазратим! Ҳеч қандай ёмон гап ёзганим йўқ. Сизнинг шаънингизга яхши сўз дурларини тизиб кетдим, холос! - дейди.

Ҳалифа чиқиб, чиндан ҳам эшикка ўз шаънига гўзал бир байт ёзиб қўйилганини кўради. Чунки «зоъе бўлмоқ», «хор бўлмоқ» («зоъа») сўзидаги айннинг пастки кўзи ўчириб ташланиши натижасида ҳамза билан ёзиладиган «зоа»га - «яшнади», «зийнат топди», «гўзаллашди» деган сўзга айланиб, ижобий маъно касб этган эди:

Ли қад зоа шеъри ало бобикум,
Камо зоа икди ало Холиса.

Таржимаси:

Яшнади эшигингда ўқиган шеърларим, -
Холиса қулоғида яшнаган каби балдоқ.

Абдуқодир ХАЙИТМЕТОВ

Спорт: KURASH

Сурхондарё

Маҳтумқули яна зўр чиқди

Ўзбекистон ўзининг миллий кураши билан довруг топмоқда. Унинг жаҳон миқёсида тан олинганига ҳам мана, бир йил тўлди. Шу муносабат билан машҳур полвон Тоҳир Дурдиев хотирасига бағишлаб Жарқўрғон туманида курашнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Бунда ўзига ишонган, давра қуриб юрган полвонлар қатнашдилар. Мутлоқ ғолиблик учун 24 нафар полвон майдонга тушди. Ўз вазн тоифаларига кўра, Абдулла полвон Чориев, Тўлқин Валиев, Т.Ўтаев, Асқар Алимов, Абдуқодир Тўраев, Баҳодир Менгниёзов, Баҳриддин Абдувоҳидовлар ғолибликни қўлга киритишди. Айтиш жоизки, қатор нуфузли турнирларнинг ғолиби Рустам Эргашев ва Ўзбекистон чемпиони Махтумқули Маҳмудовларнинг финалда беллашувлари мухлислар учун завқ бағишлади. Бу гал ҳам Махтумқули полвон ишқибозлар ишончини оқлади, рақибини мағлубиятга учратди.

Катта майдонда ғолиб чиққан полвонлар туя, от, ҳўкиз, ғилам ва шу каби совринларни олишди.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ.

Самарқанд

МАҲАЛЛАДА КУРАШ

Самарқанд шаҳридаги Сиёб туман «Оби-Машат» маҳалласидаги «Аҳмад-бобо» Ҳамроқулов номидаги соғломлаштириш масканида шу санага бағишлаб миллий кураш бўйича очиқ биринчилик бўлиб ўтди.

Биринчиликда 60 га яқин Самарқанд шаҳридаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи спортчи ҳамда мактаб ўқувчилари иштирок этдилар.

Қизиқарли кечган курашлардан сўнг ўз вазн тоифаларида «Ҳазора» маҳалласидан спорт устаси Абдуғани Ҳамраев, «Қорабой-Оқсоқол» маҳалласидан Ботир Бадалов, «8-март» маҳалласидан Абдураҳмон Болтаев, «Оби-Машат» маҳалласидан Маҳмуд Бобоев, Бекзод Аҳмедов ва Шерзод Юсупов, «Восток-5» маҳалласидан: Алишер Аҳмедов ғолиб чиқдилар.

М. АХМЕДОВ.

Янги Сиргали-2 кўчасида жойлашган А.И.ТЕКС фирмасига қарашли Савдо мажмуаси ер кадастри йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Миробод туманидаги «UZ BLISS Co-, LTD»нинг йўқолган думалоқ муҳри ва бурчак штампи **бекор қилинади.**

Собир Раҳимов туманидаги «Қодир ҳар ишда Баҳодир» хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 48-40-60 рақамли телефон орқали **қабул қилинади.**

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор Имомов Дониёр Иброҳимовичга савдо-сотиқ билан шуғулланиш учун берилган думалоқ муҳр йўқотилгани сабабли **бекор ҳисобланади.**

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайати: Шуҳрат ЖАЛИЛОВ, Иброҳим РАҲИМ, Расул РАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи: Музаффар НОРМАТОВ
Сахифаловчи: Лилия БИНАШЕВА

ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-041 Топширилди—